2020 йил 25 январдан чиқа бошлаган

Миллий тикланишдан - миллий юксалиш сари

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 159 (159), 2020 йил 22 август, шанба

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news

# БЕКТЕМИР ТУМАНИ ЮҚОРИ ТЕХНОЛОГИЯЛИ САНОАТ РИВОЖЛАНГАН ЗАМОНАВИЙ МАРКАЗГА АЙЛАНМОҚДА



**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 21 август куни Тошкент шаҳрининг Бектемир туманида бажарилаётган ишлар, саноат корхоналари фаолияти билан танишди.**

Пандемия туфайли вақтинча тўхтаб қолган корхоналар ўз фаолиятини тиклай бошлади. Лекин улар яна тўлиқ қувватга чиқиши учун вақт ва рағбат зарур. Президент Шавкат Мирзиёевнинг қатор фармонлари ва видеоселектор йиғилишларида бу борада аниқ вазифалар белгиланиб, изчил амалга оширилмоқда.

Президент дастлаб "Бектемир металл конструкциялари" масъулияти чекланган жамияти металлга қайта ишлов бериш заводига борди.

Лойиҳанинг умумий қиймати 48 миллион доллар бўлиб, 2018 йилда ишга туширилган. Корхона йилига 65 минг тонна рухланган металл, 1 600 километр йўл тўсиқлари, 130 минг тонна пайвандланган қувур ва 17 минг дона ёритиш устуни ишлаб чиқариш қувватига эга.

Металл конструкцияларини иссиқ ҳароратда рухлаш Италиянинг Bisol S.p.A. ускунасида, халқаро меъёрлар ва сифат стандартлари даражасида амалга оширилмоқда. Бундай маҳсулотлар чидамлилиги, кўримлилиги ва ўрнатиш жараёнида қулайлиги билан афзал. Шунингдек, бу ерда Хитой, Жанубий Кореядан келтирилган замонавий технологиялар ўрнатилган.

Бугунги кунда ушбу корхонада ишлаб чиқарилган металл конструкцияларидан Тошкент шаҳри ва вилоятларда кенг фойдаланилмоқда.

Корхонада жами 375 нафар муҳандис ва ишчи меҳнат қилмоқда.

Президентимиз ишлаб чиқариш жараёнини кўздан кечириб, мутасаддиларга қўшимча кўрсатмалар берди.

— Бу технологиялар ҳам, маҳсулотлар ҳам яхши. Лекин ҳар дам ривожланишни ўйлаш керак. Арзон, хавфсиз ва сифатли конструкциялар ишлаб чиқариб, корхонанинг қурилиш индустриясидаги ўрнини кенгайтириш зарур. Маҳсулот қачон арзон бўлади? Шароит яратсак, — деди Шавкат Мирзиёев.

Бунга эришиш учун лойиҳалаштирувчи гуруҳ тузиш, Европа мамлакатлари, хусусан, Германия тажрибаси асосида корхонани саноат кластерига айлантириш муҳимлиги таъкидланди.

Малакали мутахассислар тайёрлаш бўйича топшириқлар берилди.

Шундан сўнг Президент тумандаги "Бинокор" масъулияти чекланган жамиятнинг ишлаб чиқариш майдонига ташриф буюрди.

Давлатимиз раҳбарининг туманга аввалги ташрифи чоғида бу корхона фаолияти ҳақида тақдимот ўтказилган эди. Умумий қиймати 50 миллион доллардан зиёд бўлган лойиҳанинг биринчи босқичи 2018 йилда ишга туширилган. Бугунги кунда иккинчи босқичи фаолият бошлаш арафасида.

Бунинг учун янги мажмуага Германиянинг "Vollert", "Würschum", Италиянинг "Maema", "Schnell", "AWM", Россиянинг "Точная Строительная Механика", "Грузоподъем", Польшанинг "Airpol" ва Испаниянинг "Azcona Y Pantoja SL" компаниялари билан ҳамкорликда замонавий технология ва дастгоҳлар келтириб ўрнатилган.

Шу ўринда эслаш жоизки, аввалги йигирма йилда кўп қаватли уйлар қуриш тажрибаси йўқ бўлиш ҳолатига келиб қолганди. Бунга ихтисослашган автокранлар ҳам, мутахассислар ҳам етишмасди. Охирги уч йилда биргина Сергели туманида 460 та кўп қаватли уй барпо этилди. Мамлакатимиз бўйлаб бундай бунёдкорлик ишлари жадал давом этмоқда.

"Бинокор" корхонасида тайёрланаётган темир-бетон панеллар кўп қаватли уйлар ва бошқа иншоотлар қуришда қўлланилмоқда. Ҳозиргача бу ерда 1 минг 200 дан зиёд муҳандис ва мутахассислар ишлаб, йилига 150 минг квадрат метр маҳсулот ишлаб чиқараётган эди. Корхона тўлиқ қувватга чиққач, йилига яна 180 минг квадрат метр қурилиш панели тайёрланиб, қўшимча 670 та иш ўрни яратилади.

Президент корхона фаолияти билан танишар экан, масъулияти чекланган жамиятнинг моддий-техник базасидан фойдаланиб, бу ерда ўқув-амалиёт комбинати ташкил этиш бўйича кўрсатма берди.

— Мамлакатимизда катта-катта қурилишлар бўляпти, яна режалар кўп. Ёшларга замонавий қурилиш технологиялари бўйича етарли малака берсак, даромадлари ҳам икки-уч баробар ошади, — деди давлатимиз раҳбари.

Шу ерда 2020-2022 йилларда Тошкент шаҳри ҳамда Бектемир туманида амалга ошириладиган экспорт ва инвестиция лойиҳалари бўйича маълумот берилди.

Президент Шавкат Мирзиёев Бектемир туманидаги "Prof-Milk" қўшма корхонаси фаолияти билан танишди.

Мамлакатимизда чорвачилик билан бирга гўшт ва сутни қайта ишлаш тармоғи комплекс ривожлантирилмоқда. Хусусан, бугунги кунда сутни қайта ишловчи 600 дан зиёд корхона фаолият кўрсатмоқда. Уларда тайёрланаётган сара маҳсулотлар элимиз дастурхонидан жой олди, хорижга ҳам экспорт қилиняпти.

"Prof-Milk" қўшма корхонаси шу ойда ишга туширилди. Лойиҳа қиймати 3 миллион доллар бўлган ушбу мажмуа Швейцариянинг "Tanotrade" компанияси ва «Toshelektroapparat» хусусий корхонаси ҳамкорлигида замонавий технологиялар билан жиҳозланди. Бу ерда 50 киши иш билан банд.

Корхонада йилига 1,5 минг тонна маҳсулот, пишлоқнинг 10 га яқин тури ишлаб чиқарилади. Жорий йилда эса эритилган пишлоқ бу қаторни тўлдириши режалаштирилган.

Президентимиз ишлаб чиқариш жараёнини кўздан кечирди. Корхонани барқарор хомашё билан таъминлаш, маҳсулотлар турини кўпайтириб, янги бозорларни ўзлаштириш бўйича кўрсатмалар берилди.

Шу ерда "BARTEC TRADE" компанияси томонидан импорт ўрнини босувчи эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқариш лойиҳаси тўғрисида маълумот берилди.

Давлатимиз раҳбари Бектемир туманидаги "Metal Processing" масъулияти чекланган жамиятда тайёрланаётган маҳсулотларни кўздан кечирди.

Умумий қиймати қарийб 34 миллиард сўм бўлган мазкур лойиҳа саноатни маҳаллийлаштириш, импорт ўрнини тўлдиришда жуда муҳим аҳамиятга эга. Чунки тўқимачилик технологиялари ҳар беш йилда ўзгариб туради. Бундан ташқари, деталлари эскиради ё бузилади. Илгари оддий қисмлар ҳам четдан олиб келинарди.

"Metal Processing" МЧЖда тўқимачилик корхоналари буюртмаси асосида дастгоҳлар учун қоплама ва эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқарилмоқда. Бугунги кунда мамлакатимиздаги 12 та йирик тўқимачилик мажмуаси билан ҳамкорлик ўрнатилган.

— Узоқ йиллар давомида вазият шундай эдики, машаққат билан етиштирган пахтамиздан фойдани бошқалар кўрарди. Кейинги пайтларда унинг юртимизда қайта ишлаш даражаси кескин ошди. Тўқимачилик кластерлари пайдо бўлди. Уларнинг замини — пахтани қайта ишлаш. Бунинг учун эса илғор техникалар, сервислар керак, — деди Шавкат Мирзиёев.

Корхонада 85 нафар мутахассис фаолият олиб боради. Швейцариянинг "SkillSonics International AG" компанияси билан ҳамкорлик асосида металлга ишлов беришда жаҳон стандартларидан фойдаланиб келинмоқда.

— Бундай корхоналарнинг "юраги" — муҳандис, конструкторлар. Афсуски, бизда кўп заводларнинг шундай "юраги" йўқ. Ақлли мутахассисларни топиб, қўллаб-қувватласак, маҳаллийлаштиришга катта ҳисса қўшади, — дея таъкидлади Президент.

Шу ерда Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти кафедралари бўлимини очиб, амалиётни кенгайтириш лозимлиги қайд этилди. Кооперация асосида буюртмани кўпайтириш, корхона рентабеллигини ошириш бўйича кўрсатмалар берилди.

Давлатимиз раҳбари, шунингдек, Бектемир туманидаги "Cooperation LAB" тармоқлараро кооперацияни ривожлантириш марказига ташриф буюрди.

"UzAuto Motors", "СамАвто", "JV MAN Auto — Uzbekistan", "General Motors Powertrain Uzbekistan" сингари корхоналарда замонавий автотранспорт ва бутловчи қисмлар ишлаб чиқарилади. Шу билан бирга, кўплаб эҳтиёт қисмлар хориждан олиб келинмоқда. Бозор конъюнктураси ва саноат корхоналаридаги талабни таҳлил қилиш асосида янги эҳтиёт қисмларни ўзлаштириш чоралари кўрилмоқда.

"Ўзавтосаноат" акциядорлик компанияси ташаббуси билан Бектемир туманида "Cooperation LAB" тармоқлараро кооперацияни ривожлантириш маркази шу мақсадда ташкил этилган.

Лойиҳа қиймати 2 миллион доллар бўлган бу масканда 50 киши иш билан таъминланган. Марказ ғоядан растагача тамойили асосида автомобилсозлик соҳасида тармоқлараро кооперацияни ривожлантириш, импортни камайтириш ва маҳаллийлаштириш даражасини ўстиришга мўлжалланган.

Давоми 2-бетда

## Мустақиллигимизнинг 29 йиллигига



### СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ:

# МАҚСАД — ОДАМЛАРНИ РОЗИ ҚИЛИШ, ФАРОВОНЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ







### ЖАНУБДАГИ ГАВҲАР

Айтишларича, бир вақтлар Термиз шаҳри аҳолиси кўп бўлганидан уйлар шу қадар тиғиз қурилган эканки, девор устига чиқиб олган улоқ томма-том сакраб Деновгача етиб бораркан.

Бу, албатта, ривоят. Аммо шаҳар турли даврларда турли номлар билан аталгани, аҳолисининг мардлиги, матонати туфайли ғанимлар томонидан бир неча марта яксон этилиб, қайта ва яна қайта қад кўтаргани рост.

Бугунги Термизни кечагиси билан таққослаб бўлмайди. Шимол, шарқ ва ғарб томонидан Термиз тумани, жанубдан Амударё орқали Афғонистон билан чегарадош кент истиқлол йилларида таниб бўлмас қиёфа касб этмоқда.

Аввал Термиз шаҳрига бошқа жойдан келган меҳмон айни тушлик пайти саноқли ошхоналардан бирида тамадди қилиб улгурмаса, оч қоларди. Иқлими жуда иссиқ шаҳарда меҳмонхона ҳам йўқ ҳисоби эди. Бугун шаҳарнинг ҳар кўчасида ўнлаб ошхона, ресторан, чойхоналар хўрандаларга кеча-ю кундуз хизмат кўрсатяпти.

Шаҳар меъморларидан бири Улуғбек Қиличевнинг айтишича, бу ерга келган кўпчилик хорижий сайёҳлар "Европа дизайнидаги кўркам шаҳарни кўриб, ҳайратга тушдим", дея ҳайратланишар экан.

Давоми 2-бетда

## Ижтимоий ҳимоя

# ЎЗБЕКИСТОН ИЖТИМОИЙ АДОЛАТ ТУШУНЧАСИГА МОС КЕЛАДИГАН ДАВЛАТ СИЁСАТИ МОДЕЛИНИ ТАНЛАДИ

**Президентимиз Олий Мажлисга Мурожаатномасида мамлакатимизда камбағалликка қарши курашни иқтисодий ривожланиш сиёсатининг устувор вазифаси сифатида белгилаб: "Камбағалликни камайтириш — бу аҳолида тадбиркорлик руҳини уйғотиш, инсоннинг ички куч-қуввати ва салоҳиятини тўлиқ рўёбга чиқариш, янги иш ўринлари яратиш бўйича комплекс иқтисодий ва ижтимоий сиёсатни амалга ошириш, демакдир", деб таъкидланган эди.**
**Иқтисодиёт қонунларига асосан, "камбағаллик камбағалликни келтириб чиқаради". Мазкур жараён бир неча сабабларга кўра содир бўлади.**

**Биринчидан,** даромади паст мамлакатлар сифатли таълим ва соғлиқни сақлаш учун етарлича маблағ ажратолмайди. Камбағал аҳоли эса сифатли пулли таълим ва тиббий хизматларга қурби етмаслиги сабабли инсон салоҳияти пасайиб, йўқсилликдан қутулолмайди.

**Иккинчидан,** камбағал аҳолининг даромади камайгани сари истеъмол бозори кўлами мутаносиб равишда кичраяди. Бунинг натижасида саноат моллари, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва, айниқса, хизматларга бўлган талаб кескин пасаяди. Бу эса, ўз навбатида, иқтисодий тараққиётга тўсқинлик қилади. Бюджет даромадлари ва камбағалларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш имкониятини камайтиради.

Давоми 3-бетда

Бектемир туманига Тошкент вилоятининг Ўртачирчиқ ва Юқоричирчиқ туманларидан жами 1 минг 639 гектар ер ўтказилади.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН
2020 йил 22 август, 159-сон

# БЕКТЕМИР ТУМАНИ ЮҚОРИ ТЕХНОЛОГИЯЛИ САНОАТ РИВОЖЛАНГАН ЗАМОНАВИЙ МАРКАЗГА АЙЛАНМОҚДА

Бошланиши 1-бетда

Ҳудуддаги доимий ишлайдиган кўргазма павильонида "Ўзавтосаноат" ва бошқа компаниялар томонидан мамлакат автобозорига импорт қилинаётган бутловчи деталлар, хомашё ва материаллар намойиш қилинади. Улар Ўзбекистон ҳудудида, жумладан, мавжуд корхоналарда ишлаб чиқариш ҳажмларини ва эҳтимолий йўналишларни намойиш этиш ҳамда импорт маҳсулотларни маҳаллийлаштириш учун тақдим этилади. Юртимиздаги хомашё ва ишлаб чиқариш ресурсларидан кенг фойдаланиш рақобатбардош маҳсулотлар тайёрлаш ва бутловчи қисмлар импортини қисқартиришга хизмат қилади.

Давлатимиз раҳбари марказнинг кооперация алоқаларига оид тақдимотлар билан танишди. Малакали конструктор ва олимларни жалб қилиб, янги техникаларни ўзлаштириш ва буюртма асосида етказиб бериш муҳимлиги таъкидланди.

Машинасозлик ва электротехника соҳасида кооперацияни кенгайтиришда янги очилган "Cooperation LAB" маркази катта салоҳиятга эга. Ушбу марказ тадбиркорларга "ғоядан — тайёр маҳсулотгача" инжиниринг, техник ечимлар ва бозор топиш имконини беради.

Шу ерда вилоят ҳокимларига тадбиркорлар гуруҳларини шакллантириб, марказ билан бирга саноат кооперациясидаги янги лойиҳа таклифларини ишлаб чиқиш топшириғи берилди.

Марказда ишлаб чиқилган таклифларни "лойиҳалар фабрикаси" орқали молиялаштириш учун тижорат банклари билан ҳамкорлик ўрнатиш кераклиги таъкидланди.

Шавкат Мирзиёев "Cooperation LAB" марказининг ўзида ҳудудларда саноат кооперацияси ва маҳаллийлаштиришни кенгайтириш масаласи бўйича йиғилиш ўтказди.

Ҳозирги кунда мамлакатимиз саноатида маҳаллийлашган маҳсулот ҳажми атиги 4 фоизни ташкил этмоқда. Шу боис маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлашга доир Президент қарори қабул қилинди. Унга мувофиқ, энди давлат харидларида юртимизда тайёрланган маҳсулотларга устуворлик берилиб, ишлаб чиқариш янада рағбатлантирилади. Жумладан, тендерда иккитадан кўп ўзбекистонлик ишлаб чиқарувчи мавжуд бўлганда, фақат уларнинг маҳсулоти қатнашади. Шунингдек, маҳаллий маҳсулотларга импорт товарларга нисбатан 15 фоизлик нарх преференцияси берилади. Бундан буён бюджет ҳисобидан амалга ошириладиган барча харидларда маҳаллий ҳокимият вакиллари бевосита иштирок этади.

Йиғилишда шу каби имкониятларни ишга солиб, локализация ва кооперацияни ривожлантириш масалалари атрофлича муҳокама қилинди.

Масалан, автомобиль саноатида импорт қилинаётган 1 минг 712 турдаги бутловчи қисмларни юртимизда ишлаб чиқариб, валюта харажатларини камида 150 миллион долларга камайтириш мумкинлиги қайд этилди. Ушбу маҳсулотларни ўзлаштирувчи ҳудудий корхоналарни аниқлаб, уларда юқори қўшилган қиймат яратиш вазифаси қўйилди. Автомобиллар таннархини камайтириб, бозорда рақобатбардошлигини ошириш зарурлиги таъкидланди.

Қишлоқ хўжалиги учун кичик механизация, ускуна ва эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқариш учун талаб ҳам, имкониятлар ҳам етарли. Масалан, Бухоро, Қашқадарё, Самарқанд, Сирдарё, Фарғона вилоятларидаги тўла қувватда ишламаётган корхоналар ва сервис базаларида 120 дан ортиқ турдаги эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқариш мумкин. Шунингдек, қишлоқ хўжалиги техникаларига сифатли хизмат кўрсатадиган хусусий сервис корхоналари ташкил этиш ва ушбу соҳада мутахассис тайёрлаш кераклиги қайд этилди.

Электр техникаси, автомобиль саноати ва қишлоқ хўжалиги ўртасида кооперация алоқаларини чуқурлаштириш масалалари таҳлил қилиниб, тегишли вазифалар белгиланди.

— Тармоқлар ва ҳудудлар ўртасида ўзаро кооперация бўлмас экан, қўшилган қиймат занжирини ва янги индустриал тараққиётни тасаввур ҳам қилиб бўлмайди, — дея таъкидлади Шавкат Мирзиёев.

Йиғилишда тармоқ раҳбарлари ва вилоят ҳокимлари ҳисобот берди.

Президент Бектемир тумани фаоллари билан учрашди.

Бектемир тумани Тошкент шаҳри саноатининг 10 фоизини таъминлайди. Жорий йилнинг ўтган даврида бу ерда саноат маҳсулоти 9 фоизга, хизмат кўрсатиш 8 фоизга, экспорт 11 фоизга ўсган.

Учрашувда туманда янги "ўсиш нуқталари"ни топиш ва аҳоли ҳаётини яхшилаш борасидаги режалар айтиб ўтилди.

Масалан, Бектемир туманига Тошкент вилоятининг Ўртачирчиқ ва Юқоричирчиқ туманларидан жами 1 минг 639 гектар ер ўтказилади. Натижада туман ҳудуди 3 минг 472 гектарга етади. Бунинг ҳисобига янги саноат ва хизмат кўрсатиш объектлари барпо этиш, минглаб иш ўринлари очиш имконияти яратилади.

Яқин уч йилда туманда умумий қиймати 3,3 триллион сўмлик 61 инвестиция лойиҳаси амалга ошириш режалаштирилган. Жумладан, жорий йилда 52 та шундай лойиҳа ишга туширилиб, 2 минг 700 дан зиёд янги иш ўрни яратилиши мўлжалланган.

Туманда ишсизлик даражаси 3,3 фоиз, жумладан, аёллар орасида 1,7 фоиз, ёшлар ўртасида 1,5 фоиз экани қайд этилди. Мактабгача таълим муассасалари етишмаслиги, қатор маҳаллаларда ички йўллар ҳолатининг ёмонлиги, коммунал тизимларда ҳам камчиликлар борлиги кўрсатиб ўтилди.

Ёшлар ва хотин-қизлар бандлигини ошириш, камбағалликни камайтириш, уй-жойга муҳтож оилаларга уй ажратиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Хизмат кўрсатиш соҳасини кескин ривожлантириш, янги ижтимоий объектлар барпо этиш, коммунал тармоқларни қуриш ва таъмирлаш, уй-жой фондини куз-қиш мавсумига тайёрлаш масалаларига тўхталиб ўтилди.

Давлатимиз раҳбари маҳалла раислари, ёшлар етакчилари билан мулоқот қилди.

Бектемир тумани фаоллари билан учрашувдан сўнг давлатимиз раҳбари мамлакатимизда ишлаб чиқарилиши лойиҳалаштирилган махсус автомобилларни кўздан кечирди.

Ўзбекистон Президентининг 2019 йил январда Германияга расмий ташрифи чоғида "Ўзавтосаноат" АЖ ва "Volkswagen" концерни ўртасида ҳамкорлик шартномаси имзоланган эди. Унга мувофиқ, Жиззах автомобиль заводида 3 хил модификациядаги "Volkswagen Caddy" минивенини ишлаб чиқариш режалаштирилган. Етти ўринли бу автомобиль турли соҳаларга ихтисослаштириш учун жуда мос келади. Шунингдек, "Isuzu" заводида ҳам қулай платформа мавжуд.

Маълумки, мамлакатимизда енгил автомобиллар, юк машинлари ва махсус техникалар ишлаб чиқарилиб, айнан шу йўналишдаги сегмент бўш эди. Қўшни давлатларда ҳам бундай автомобилларга эҳтиёж бор.

Шу мақсадда тажриба тариқасида "Volkswagen", "Škoda" ва "Isuzu" линиясида махсус машиналар намуналари тайёрланди.

Шавкат Мирзиёев бундай янги йўналиш импорт ўрнини тўлдириш ва экспортни кенгайтиришда муҳим эканини таъкидлаб, керакли кўрсатмалар берди.

Ушбу машиналар жорий йилнинг тўртинчи чорагида Жиззах автомобиль заводида йиғила бошлайди. 2022 йилдан ишлаб чиқаришнинг тўлиқ циклини ўзлаштириш режалаштирилган.

**ЎзА**

Мустақиллигимизнинг 29 йиллигига

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЯНГИ ТИМСОЛИ



Шаҳзод ИСЛОМОВ,
диншунос



**Жаҳонда кузатилаётган мураккаб сиёсий-ижтимоий вазият, бузғунчи кучларнинг диндан ғаразли мақсадлар йўлида фойдаланаётгани бугунги кунда ҳар қандай жамиятда тинчлик ва барқарорликни сақлашнинг аҳамияти нечоғли муҳимлигини кўрсатади.**



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2019 йил 15 июнь куни Душанбе шаҳрида ўтказилган халқаро саммитда динлараро ҳамжиҳатликни сақлаш, маърифат ва маданиятларни ўзаро бойитишда Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази самарали платформа вазифасини бажаришини таъкидлаган эди.

Марказ томонидан ана шу эзгу мақсад йўлида ислом илм-фани ривожига бемисл ҳисса қўшган, ушбу буюк таълимотни маърифат, инсонпарварлик ва бунёдкорлик ғояси сифатида жаҳонга танитган улуғ аллома ва мутафаккирлар ҳаёти ва илмий меросини чуқур ўрганишга қаратилган кенг кўламли фаолият амалга оширилмоқда.

Ўтган қисқа вақт мобайнида Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази ўзини янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг ютуғи сифатида тўлиқ намоён этди. Марказ Миср, Туркия, Малайзия, Покистон, БАА, Саудия Арабистони, Буюк Британия, Франция, Германия, АҚШ, Ҳиндистон, Россия, Қозоғистон ва Қирғизистондаги 26 та етакчи ислом тадқиқот маркази, нуфузли университетлар билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиб, муҳим илмий-амалий лойиҳалар устида иш олиб бормоқда.

Марказ томонидан қатор халқаро конференция ва илмий семинарлар ташкил этилиб келиняпти. Ушбу тадбирларга дунёнинг **100** дан ошиқ етакчи уламолари, исломшунос, диншунос олимлар ва таниқли экспертлар жалб этилиб, Ўзбекистонда сақланаётган қадимий қўлёзмаларни ўрганиш, мутахассислар малакасини ошириш, долзарб мавзуларда тадқиқотлар ўтказиш масалалари муҳокама қилинди. Ўз навбатида, марказ илмий ходимлари республика ва халқаро даражада ўтказилган кўплаб конференция ва анжуманларда маъруза қилдилар.

Халқаро ҳамкорликнинг амалий ифодаси сифатида марказга Миср ва Туркиядан 6 мингга яқин адабиёт, замонавий тадқиқотлар олиб келинганини қайд этиш жоиз. Бугунги кунда Имом Бухорий маркази Ўзбекистон бўйича қадимий қўлёзмаларнинг энг катта электрон базасига эга йирик илмий муассасалардан бири ҳисобланади. Бу ерда 130 мингдан зиёд қўлёзма ва тошбосма манбанинг электрон нусхалари сақланмоқда.

Мисрнинг Ал-Азҳар университети билан ўрнатилган ҳамкорлик натижасида ушбу олий диний таълим муассасасининг 2 нафар профессори Самарқанддаги Ҳадис илми мактабида ўзбекистонлик ёшларга дарс бермоқда. Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази илмий ходимлари билан ҳадисшуносликка бағишланган маҳорат дарслари ҳам ташкил этилмоқда.

Айни вақтда Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази ва Ислом тараққиёт банки ўртасида ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантиришга қаратилган конструктив мулоқот олиб борилмоқда. Мазкур банк билан манфаатли алоқалар марказнинг буюк аллома аждодларимиз илмий меросини ўрганиш фаолиятини қўллаб-қувватлаш, Самарқандга хорижлик таниқли олим ва тадқиқотчиларни жалб этиш, жаҳоннинг етакчи илмий-тадқиқот муассасалари билан илмий лойиҳаларни ташкил этиш ҳамда илмий ходимларнинг хорижда малака ошириши учун имкониятлар яратади.

Марказ илмий ходимлари томонидан 70 дан зиёд китоб, каталог ва монография нашрга тайёрланди. Ислом оламида машҳур алломаларнинг қимматли асарлари тадқиқи ҳамда исломшуносликнинг долзарб муаммоларига бағишланган ушбу нашрлар марказнинг сермаҳсул илмий фаолияти натижасидир. Ҳозир марказ илмий ходимлари томонидан улуғ аллома, мотуридия ақидавий таълимоти асосчиси Абу Мансур Мотуридийнинг "Таъвилот ал-Қуръон" асари ўзбек тилига таржима қилинмоқда. Қисқа вақт ичида марказда сақланаётган 535 та асарнинг каталоги тайёрланиб, нашр этилди.

Аҳолига муқаддас динимизнинг асл инсонпарварлик таълимотини илмий асосда етказиш, уларни тўғри йўлга бошлаш, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш марказ фаолиятининг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади. Шу мақсадда илмий ходимлар томонидан таълим муассасалари ва меҳнат жамоаларида маънавий-маърифий учрашувлар, давра суҳбатлари мунтазам ўтказилади. Оммавий ахборот воситалари, жумладан, интернетда илмий-оммабоп маълумотлар эълон қилинмоқда. "Ўзбекистон" телерадиоканалида "Зиё" медиамаркази билан ҳамкорликда "Имом Бухорий сабоқлари" кўрсатуви эфирга узатилади. Унда Имом Бухорий тўплаган ҳадисларнинг мазмун-моҳияти, бугунги кун ёшларини одоб-ахлоқли ва имон-эътиқодли этиб тарбиялашдаги аҳамияти ёритиб борилади.

Мамнуният билан таъкидлашни истардикки, бугунги кунда Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази ва унга ёндош Ҳадис илми мактаби Ўзбекистонга ташриф буюрган меҳмонларнинг зиёрат манзилига, **янги Ўзбекистонинг янги ва муборак тимсолига** айланиб улгурди.

Ҳеч шубҳасиз, марказ жамоаси давлатимиз раҳбарининг "Ушбу марказ Имом Бухорий меросини тадқиқ этишда, башариятни илм, эътиқод ва тараққиётга чорлашда дунёдаги маърифат масканларининг юраги бўлиб хизмат қилишига ишонаман", деган эзгу тилакларининг ижобати йўлида тинимсиз меҳнат қилмоқда.

Бу ерга ташриф буюрган юқори мартабали меҳмонлар, дунё эътироф этган уламолар Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот марказини ташкил этишнинг аҳамиятини юқори баҳоламоқда. Жумладан, Бангладеш Президенти Муҳаммад Абдул Ҳамид: "Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев жаноби олийлари томонидан муқаддас ислом дини ривожига беқиёс ҳисса қўшган муҳаддислар, буюк алломалар илмий меросини ўрганиш ва кенг тарғиб этишга алоҳида эътибор қаратилаётгани юксак таҳсинга сазовордир. Марказнинг шундай табаррук жойда бунёд этилиши, бу ерда Ҳадис илми мактабининг қад ростлагани яхлит ансамблни вужудга келтирган", дея таъкидлади.

Малайзия ташқи ишлар вазири ўринбосари Марзуки Яҳя эса ўз таассуротларини бундай ифодалади: "Юртингизда амалга оширилган ўзгаришлар, бунёдкорлик ишларини кўриб ҳайратим ошди. Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот марказига тасанно айтасан. Биз ҳам Малайзияда мана шундай марказ ташкил этиш ниятидамиз".

Ҳанафий мазҳабининг энг йирик уламоларидан, покистонлик Муҳаммад Тақий Усмоний эса: "Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот марказига асос солган Ўзбекистон Президенти илмни, олимларни ва дин аҳлини яхши кўриши маълум. Ушбу марказни ташкил этиш ғоясининг ижобий натижаси тез фурсатда кўринади. Самарқанд ўзининг қадимий илм зиёсини қайтаради, иншааллоҳ", дея эзгу тилак билдирган эди.

Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази халқимизга илм-маърифат, одоб-ахлоқ, ҳалол-поклик ғояларини етказиш, ёшларни тўғри йўлга бошлаш ҳамда юртимизнинг ислом маданияти маркази сифатидаги тарихий мақомини жаҳон бўйлаб кенг тарғиб этишда Ўзбекистон халқаро ислом академияси, Дин ишлари бўйича қўмита, Ислом цивилизацияси маркази, Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот маркази билан ташкилий ва услубий мувофиқликда фаолият юритмоқда. Бундай ҳамкорлик жамиятимизда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини сақлаш, турли конфессияга мансуб аҳоли ўртасида аҳиллик ва ҳамжиҳатликни таъминлаш, ёшларимизнинг зарарли ғоялар таъсирига тушишининг олдини олиш, юртдошларимизнинг диний маърифати ва дунёқарашини илмий асосда ошириб бориш имконини бермоқда.

Халқ қабулхоналарида

# САМАРҚАНД ВИЛОЯТИДАГИ МУРОЖААТЛАРНИНГ АКСАРИЯТИ ҚАНОАТЛАНТИРИЛДИ

Лутфулла СУВОНОВ,
"Янги Ўзбекистон" мухбири

**Халқ қабулхоналарида фуқароларнинг мурожаатлари белгиланган тартибда, холислик тамойиллари асосида кўриб чиқилиб, ижобий ҳал этилаётгани мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва манфаатларига олий қадрият сифатида қаралаётганининг яна бир ёрқин ифодасидир.**




Очиқ мулоқот ва мурожаатлар билан ишлашнинг янгича тизими — Халқ қабулхоналари институти одамларнинг кўп йиллик муаммоларини, талаб ва эҳтиёжларини яқиндан ўрганиш, уларни жойида ҳал этиш учун зарур чора-тадбирларни белгилаб, ижтимоий адолатни таъминлаш имкониятини яратмоқда.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонаси ва Халқ қабулхоналарига 2020 йилнинг 1 августига қадар Самарқанд вилояти аҳолисидан 51 мингдан зиёд мурожаат келиб тушган. Ҳозирги кунга қадар уларнинг 28 мингдан ортиғи ёки 60 фоизи қаноатлантирилди. Қолганлари кўриб чиқиш жараёнида.

Вилоятнинг тоғли ҳудуди саналган Ургут туманида аҳоли мурожаатлари билан ишлаш борасида Халқ қабулхонаси ва секторлар ҳамкорлигида тизимли ишлар йўлга қўйилган. Бунинг самараси ўлароқ, ургутликларни кўп йиллардан буён қийнаб келаётган муаммолар ўзининг ижобий ечимини топмоқда.

Туманнинг "Кўтарма" маҳалласи 4-сектор ҳудудида жойлашган бўлиб, бугунги кунда 485 та хонадонда 4 мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қилади. Ушбу маҳалла аҳлини узоқ йиллардан буён тоза ичимлик сув муаммоси қийнаб келар эди. Сектор раҳбарларининг халқ билан ўтказган мулоқоти чоғида ушбу муаммо яна бир бор кўтарилди. Туман ҳокимлиги, Халқ қабулхонаси ва сектор раҳбарлари масалани атрофлича ўрганиб чиқди. Ниҳоят бу ерда маҳаллий бюджетнинг 320 миллион сўм маблағи эвазига ичимлик сув чиқарадиган янги қудуқ ишга туширилди. Ҳашар йўли билан эса ичимлик сув тармоқлари тортилди. Натижада 500 та хонадонга тоза оби ҳаёт кириб борди.

— 70 ёшга кирдим, — дейди "Кўтарма" маҳалласида истиқомат қилувчи Усмон ота Азимов. — Тоза ичимлик сув муаммоси бизни йиллар давомида қийнаб келаётган эди. Ана шу ўтган давр мобайнида маҳалла аҳли ариқдан сув ичди. Бу эса аҳоли саломатлиги учун жиддий хавф туғдиради. Бугун амалга оширилган иш маҳалла аҳли учун жуда катта совға бўлди.

Туманнинг "Бешкапа-1" маҳалласи аҳоли зич яшайдиган ҳудудлардан. Аммо бу ерда тоза ичимлик сув йўқ. Бир неча йиллардан бери аҳоли ариқ ва булоқ сувларидан фойдаланиб келган. Шу маҳаллада яшовчи Тўрақул Облоқуловнинг маҳалла фуқаролари номидан Ургут туманидаги Халқ қабулхонасига қилган мурожаатидан сўнг туман ҳокимлиги ташаббуси билан 110 миллион сўм маблағ эвазига янги артизан қудуғи қазилиб, тоза ичимлик сув чиқарилди ва 300 та хонадон ичимлик сув билан таъминланди. Айниқса, тоза ичимлик сув келтирилганидан маҳалла хотин-қизларининг қувончи чексиз.

— Йиллар давомида ҳовуз сувини тинитиб ичар эдик, — дейди "Бешкапа-1" маҳалласида яшовчи Ҳилола Тилабова. — Айниқса, қиш кунлари узоқдан сув олиб келишга жуда қийналардик. Мана, энди ўзимиз ҳам, болаларимиз ҳам тиниқ, тоза сув ичяпмиз. Бу уларнинг соғлом ўсиши учун ҳам жуда муҳим.

Ургутлик Шуҳрат Сайфиев — тадбиркор. Қўлида ҳунари бор. Қишлоқ хўжалиги техникаларининг ёқилғи-мойлаш қисмларига хизмат кўрсатиш фаолияти билан шуғулланади. Бу хизмат турига бугунги кунда эҳтиёж юқори бўлиб, Ургут, ҳатто қўшни туманлардаги техникаларга ҳам фақатгина Шуҳрат Сайфиевнинг устахонасида хизмат кўрсатилади. Аммо у ишини давом эттириш ва фаолиятини кенгайтириш учун ўз биносига эга эмас. Бу эса тадбиркорга муаммо туғдираётганди. Амалий ёрдам сўраб Ургут тумани Халқ қабулхонасига мурожаат қилган тадбиркорнинг муаммоси тезда ҳал этилди. Ҳозир қишлоқ хўжалиги техникаларини таъмирлаш устахонасига Хитойдан замонавий ускуна келтирилиб, 2 кишининг бандлиги таъминланди.

Пастдарғом туманидаги Халқ қабулхонаси ҳам халқ билан очиқ мулоқот қилиш чоғида билдирилаётган ҳар бир муаммони атрофлича ўрганиб, тумандаги секторлар ҳамкорлигида мурожаатларни ижобий ҳал этишга эришмоқда. Туманнинг "Бешнайман" маҳалласида яшовчи Илҳом Нурмўминов ва яна 27 нафар фуқаро туман Халқ қабулхонасига мурожаат қилиб, "Амин инвест Интернешнл" МЧЖга қарашли пахта қабул қилиш пунктида ишлаган 4 ойлик иш ҳақларини ололмай овора бўлаётганликларини билдирган. Ушбу муаммо тизимли ўрганиб чиқилди ва мурожаатчиларга 136 миллион 701 минг 246 сўм миқдоридаги иш ҳақлари ундириб берилди.

Бир сўз билан айтганда, жойлардаги Халқ қабулхоналари фуқароларнинг ишончли манзили, жамиятнинг ҳақиқий кўзгусига айланиб улгурди.

**Ижтимоий ҳимоя**

# ЎЗБЕКИСТОН ИЖТИМОИЙ АДОЛАТ ТУШУНЧАСИГА МОС КЕЛАДИГАН ДАВЛАТ СИЁСАТИ МОДЕЛИНИ ТАНЛАДИ



**Обид ҲАКИМОВ,**
Иқтисодий тадқиқотлар ва ислоҳотлар маркази директори

Бошланиши 1-бетда

**Учинчидан,** аксарият ҳолларда камбағалларнинг дунёқараши даромади юқори бўлганларникидан фарқ қилади. Мазкур сабабларга кўра, улар орасидан ижодкор ва тадбиркорлик қобилиятига эга инсонларнинг етишиб чиқиши эҳтимоли камроқ. Шунингдек, одатда камбағал оила аъзолари орасида жиноятчилик кўрсаткичлари нисбатан юқори бўлади.

Бошқача айтганда, камбағалликни келтириб чиқарувчи омиллар мамлакатда инсон салоҳияти ва ишлаб чиқарувчи кучларни ривожлантиришга ҳамда аҳолининг иқтисодий фаолиятига тўсқинлик қилади.

Ўзбекистонда камбағаллик муаммосини ҳал этиш борасида ҳукумат томонидан кенг кўламли саъй-ҳаракатлар олиб борилмоқда. Жумладан, мамлакатда камбағалликка қарши курашиш учун зарур институтлар яратилди.



Ҳаким ЙЎЛДОШЕВ олган суратлар.

Бу, аввало, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг ташкил этилиши, камбағалликка қарши курашиш бўйича давлат сиёсати белгилаб берилганида яққол кўринади.

Ижтимоий ҳимояга муҳтож ва кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ташкил этилди. Мазкур вазирлик фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш институтлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи масъул давлат органи сифатида аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож ва кам таъминланган қатламларини аниқлаш ҳамда манзилли кўмак беришга хизмат қилади.

**Бироқ, эришилган натижаларга қарамай, ҳозирги кунда Ўзбекистонда 400 мингдан ортиқ оиланинг турмуш шароити яхшиланишга муҳтож (Жаҳон банки мезонларига кўра, 2015 йил октябридан бошлаб Глобал камбағаллик даражасига кунига 1,9 АҚШ долларидан кам даромад олганлар киритилган). Норасмий секторнинг меҳнат бозоридаги улуши 40-50 фоизни ташкил этади. Бироқ камбағал уй хўжаликларининг фақат 23 фоизигина ижтимоий нафақа олади.**

Пандемия даврида аҳолининг камбағал ва заиф қатламларига ижтимоий-моддий ёрдам кўрсатувчи муассасалар фаолиятини ислоҳ қилиш зарурати кучайди. Шу боис, бу муаммоларни ҳал қилиш жадаллик билан амалга оширилмоқда. Моддий ёрдамни тақсимлашда керакли назорат, шаффофлик ва манзиллиликни таъминлаш мақсадида рақамли технологияларни жорий қилиш асосида аввал етарлича манзилли бўлмаган ва самарасиз тизимдан янги тизимга ўтилмоқда.

БИРОҚ, ЭРИШИЛГАН НАТИЖАЛАРГА ҚАРАМАЙ, ҲОЗИРГИ КУНДА ЎЗБЕКИСТОНДА 400 МИНГДАН ОРТИҚ ОИЛАНИНГ ТУРМУШ ШАРОИТИ ЯХШИЛАНИШГА МУҲТОЖ (ЖАҲОН БАНКИ МЕЗОНЛАРИГА КЎРА, 2015 ЙИЛ ОКТЯБРИДАН БОШЛАБ ГЛОБАЛ КАМБАҒАЛЛИК ДАРАЖАСИГА КУНИГА 1,9 АҚШ ДОЛЛАРИДАН КАМ ДАРОМАД ОЛГАНЛАР КИРИТИЛГАН). НОРАСМИЙ СЕКТОРНИНГ МЕҲНАТ БОЗОРИДАГИ УЛУШИ 40–50 ФОИЗНИ ТАШКИЛ ЭТАДИ. БИРОҚ КАМБАҒАЛ УЙ ХЎЖАЛИКЛАРИНИНГ ФАҚАТ 23 ФОИЗИГИНА ИЖТИМОИЙ НАФАҚА ОЛАДИ.

## ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА

Ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизими нафақат моддий ёрдам беришга, балки аҳолининг ёрдамга муҳтож қатламларини камбағалликдан чиқаришга йўналтирилиши муҳим роль ўйнайди. Ривожланган мамлакатларда 1990 йиллардан бошлаб нафақа кўринишида ижтимоий ёрдам олувчиларни расмий тадбиркорликка жалб қилиш учун мажбурий талаблар жорий қилинган. Бу амалиёт қўлланган мамлакатлар(Жанубий Корея, АҚШ, Янги Зеландия, Буюк Британия ва бошқалар)да аҳоли бандлиги ошгани кузатилган.

Мамлакатлар камбағаллик даражасини камайтириш учун турли моделларни қўллайди. Мисол учун, Швеция модели икки мақсадни кўзда тутади: тўлиқ бандлик ва даромадлар тенгсизлигини камайтириш. Мазкур мамлакатда ишсизларни ўқитиш ва қайта тайёрлаш, талаб юқори бўлган соҳаларда ишлаш қобилиятини тиклаш маъқул кўрилади.

Хитойда қишлоқ хўжалигини, шу жумладан, қишлоқ ҳудудларни ривожлантириш ва ер ислоҳотларига қаратилган кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилади.

Чехияда эса камбағал аҳолини моддий қўллаб-қувватлаш учун асосий нафақадан ташқари маҳсулот ва пул кўринишида қўшимча кўмак берилади.

АҚШда камбағалларга кўрсатиладиган ёрдам аҳолининг 15 фоизидан 20 фоизигача қисмини қамраб олувчи махсус дастурлар орқали тарқатилади. Энг кўп тарқалган ёрдам турлари озиқ-овқат талонлари, арзон уй-жой олиш дастурлари, қариялар учун тиббий ва ижтимоий ёрдамлар, бола парваришлаш бўйича нафақалар ва бошқа қўллаб-қувватловни ўз ичига олади.

Ўзбекистон шароитида ҳам ривожланган мамлакатлардагидек камбағалликни қисқартиришга комплекс ёндашув энг мақбул ечимдир. Мазкур сиёсат меҳнатга лаёқатли аҳолини имкон қадар иш билан таъминлаш ва бир вақтнинг ўзида муҳтож қатламни камбағалликдан чиқаришга қаратилади.





## ИЖТИМОИЙ МОДЕЛЬ

Кучли ижтимоий сиёсат давлат институтлари томонидан ижтимоий неъматларни жамиятнинг энг кам ҳимояланган ва энг заиф аъзолари фойдасига тақсимлаш демакдир. Ўтган йиллар давомида Ўзбекистонда бошқа кўплаб мамлакатлардан фарқли ўлароқ, кучли ижтимоий сиёсат амалга ошириб келинмоқда. Бошқача айтганда, Ўзбекистонда ҳақиқатан ҳам ижтимоий адолат тушунчасига мос келадиган давлат сиёсати модели танланган.

Хўш, бунинг сабаби нимада?

Минг йиллар давомида халқимиз яшаб турган заминда одамлар бир-бирига ёрдам бериши, мураккаб ҳаётий вазиятларда қолган қашшоқ ва заиф аҳоли қўни-қўшни, маҳалла ва жамиятдан мадад олиши лозим, деган анъанавий дунёқараш шаклланган. Ўзбекистонда ижтимоий шартнома ижтимоий ахлоқнинг кўп асрлик тамойилларига асосланган.

Шундай бўлса-да, узоқ вақт давомида камбағалликнинг мавжудлиги сиёсий сабабларга кўра расмий даражада деярли тан олинмаган, камбағалликни аниқлашнинг қонуний тасдиқланган мезонлари йўқ бўлиб, бу ҳолда самарали ижтимоий сиёсат олиб бориш жуда мушкул масала эди. Бироқ камбағаллик муаммоси йўқолмади, ҳатто 2007 йили уни бартараф этиш учун тегишли стратегияни ишлаб чиқишга ҳаракат қилинди. БМТ Тараққиёт дастури, Жаҳон банки ва ОТБ билан биргаликда 2008-2010 йилларда Ўзбекистон Республикаси аҳолиси фаровонлигини ошириш стратегияси ишлаб чиқилди. Бироқ тан олиш керак, яқин давргача маҳалла фуқаролар йиғинлари орқали камбағалларни реал ижтимоий қўллаб-қувватлаш борасида туб ўзгаришлар амалга оширилмади.

## АНИҚЛАНГАН КАМЧИЛИКЛАР

2017 йили Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари очилгач, фуқароларнинг мурожаатлари қабул қилиниб, диққат билан таҳлил этилгач, бу соҳанинг етарли даражада самарали фаолият кўрсатмаётгани ва чуқур ислоҳотга муҳтожлиги сезилди.

Халқ қабулхоналари фаолият юрита бошлаган кундан айни пайтгача 3,6 миллиондан ортиқ фуқаронинг Президентимизга мурожаати қабул қилиниб, уларда турмуш даражаси, аҳоли бандлиги, уй-жой, сифатли давлат хизматлари, соғлиқни сақлаш ва таълим билан боғлиқ кўплаб муаммолар баён қилинган.

Кўтарилган масалаларнинг аксарияти фуқароларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизимидаги камчиликлар, аҳолининг кам таъминланган ва заиф қатламларига ёрдам кўрсатиш билан боғлиқ бўлиб, бу борада фуқаролардан кўплаб шикоятлар келиб тушган.

Таъкидлаш керакки, моддий ёрдам кўрсатиш тизими ҳали ҳам Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 15 февралдаги қарори билан тасдиқланган Кам таъминланган оилаларга ижтимоий нафақалар ва моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низом билан белгиланади. Ушбу қоидага мувофиқ, бола парвариши бўйича нафақа ва моддий ёрдам тайинлаш ҳамда тўлаш тўғрисидаги қарор қабул қилишга ваколатли этиб маҳалла фуқаролар йиғини ёки комиссия белгиланган. Комиссия маҳалла раиси бошчилигида фуқаролар йиғини томонидан сайлаб келинган. Комиссия аъзолари икки йил муддатга, маҳалла фуқаролар йиғини раиси эса ваколатларининг бутун муддати давомида сайланган. Ушбу комиссия аъзоларининг сони камида 15 кишини ташкил этиши лозим.

Мазкур тизим комиссия аъзоларининг ўзи яшаётган маҳаллаларда қўллаб-қувватланишга муҳтож аҳолини билган ҳолда холисона қарорлар қабул қилишини назарда тутади. Аммо, бошқа томондан, жамоавий қарор қабул қилишнинг бундай тизими жуда мураккаб, етарлича шаффоф эмаслиги ва берилган ваколатлар суиистеъмол қилинишини истисно этмайди. Айниқса, кўплаб жараёнлар ортиқча ҳужжат ва сертификатлар тақдим этилишини талаб қилади. Балки шу сабаблидир, ижтимоий ёрдам ажратиш тизимидаги мураккаблик ҳамда камчиликлар таъсирида халқ қабулхоналарига самарасиз ва ҳатто адолатсиз моддий ёрдам ажратиш амалиёти ҳақида мурожаатлар сони ошиб кетган.

## ЯНГИ ТИЗИМ САМАРАСИ

Мазкур воқеликлардан келиб чиққан ҳолда, ёрдам пулини ажратишда ҳам, ижтимоий қўллаб-қувватлашнинг бошқа соҳаларида ҳам жойлардаги ҳақиқий вазиятни холисона баҳолашга зарурият туғилди.

Ўзбекистон Президентининг 2019 йил 17 январдаги “Аҳоли муаммолари билан ишлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонида халқ қабулхоналари ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича секторлар, давлат органлари ва бошқа ташкилотлар билан биргаликда уйма-уй юриш, ижтимоий ва бошқа объектларни ўрганиш орқали муаммоларни аниқлаб, уларга ечим топишига қаратилган тизим жорий қилинди.

“Темир дафтар” деб номланган қашшоқ оилалар реестрини тузишда камбағал оилаларни уйма-уй ўрганиш асносида аҳолининг ижтимоий заиф қатлами муаммолари ҳам ҳисобга олинди. Мазкур реестр йўқсилликни камайтириш ва секторлар кесимида аҳоли фаровонлигини ошириш бўйича мақсадли дастурга асос бўлди. Аҳоли учун ҳаётий муҳим аҳамиятга эга бўлган, маҳаллий даражада ҳал қилинмаган муаммолар вилоят ёки республика даражасига ўтказилди.

2019 йили мамлакат бўйлаб 6,1 миллиондан ортиқ хонадон аҳолининг муаммолари билан шуғулланувчи ишчи гуруҳлар томонидан ўрганилди. Фуқаролар орасида ўтказилган сўровлар натижасида ечимини кутаётган 935,6 мингта муаммо аниқланиб, уларнинг аксарияти ҳал қилинди. Аҳоли учун энг оғриқли масалалар қаторидан суюлтирилган газ таъминоти, бандлик, соғлиқни сақлаш, электр энергияси таъминоти, банк кредитлари, моддий ёрдам, ичимлик сув, кадастр масалалари, уй-жой, табиий газ, кўмир таъминоти, паспорт назорати ва мактабгача таълимга оид масалалар ўрин олган.

Бу йил пандемия билан боғлиқ қатор чекловлар натижасида аҳоли турмуш даражаси мураккаблашди. Шу боис, ижтимоий муаммоларни аниқлаш ишлари янада муҳим аҳамият касб этиб, фаол давом эттирилмоқда. Жорий йилнинг 1 август ҳолатига кўра, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш масалалари бўйича мурожаатлар сони ўтган йилнинг шу даврига нисбатан икки баравар кўпайди. Шунингдек, моддий ёрдам ва ижтимоий нафақаларни олиш учун аризалар сони ижтимоий ҳимояга мурожаат этувчилар умумий сонининг 48 фоизини ташкил этди. Бу ўтган йилга нисбатан 1,9 баравар кўп.

Шу билан бирга, фуқароларнинг пенсия ёки нафақаларни бекор қилиш тўғрисидаги сўрови 4 фоиз камайганини таъкидлаш



лозим. Нафақа даражасининг камлиги билан боғлиқ мурожаатлар сони 52 фоиз камайди. Тиббий эҳтиёжлар учун молиявий ёрдам кўрсатиш бўйича аризалар сони 19 фоиз, ногиронлик учун имтиёзлар бўйича эса 14 фоиз қисқарди.

Бепул тиббий хизмат кўрсатиш соҳасидаги мурожаатлар сони 37, реабилитация марказларига мурожаат қилиш 29, ногиронларни протез-ортопедия буюмлари ва реабилитация ускуналари билан таъминлашга оид мурожаатлар 64 фоиз камайди.

Шунингдек, кекса ва ногирон шахсларнинг тиббий ёрдам ҳамда дори-дармонлар учун кўмак сўраш ҳолатлари сони кескин ошди. Карантин чекловлари даврида уларнинг уй изоляциясида бўлгани ҳисобга олинса, мазкур вазият мантиқий тус олади.

Секторлар томонидан уйма-уй юриш орқали ўтказилган ўрганишлар ижтимоий ёрдам тизимини ривожлантириш муҳимлигини кўрсатиб берди. Хусусан, молиявий ёрдам олувчиларнинг аксарияти ночор аҳволда эмас, балки замонавий таъмирланган, мебель ва бошқа буюмлар билан жиҳозланган хонадонларда истиқомат қилиши, шунингдек, автомобиль ва банк ҳисобрақамларига эга экани аниқланган бўлса, кам таъминланган оилаларнинг аксарияти моддий ёрдам олиш учун рўйхатга киритилмагани кузатилди. Ушбу ҳолат аҳолининг кам таъминланган ва ҳимояга муҳтож қатламларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизимини, хусусан, ушбу ёрдамни белгилаш мезонларини тубдан ўзгартириш лозимлигини кўрсатди.

## ТИЗИМЛИ ЁНДАШУВ

Хорижий мамлакатлар тажрибаси ва тадқиқот жараёнида аниқланган камчиликлар ижтимоий қўллаб-қувватлашни тизимли асосда йўлга қўйиш лозимлигини кўрсатмоқда. Баъзи ёрдам турларини ажратишнинг аниқ мезонлари бўлиши, унга мувофиқликни аниқлаш мустақил ахборот манбаларига асосланиши лозим. Ёрдам ажратиш мезон ва тартиблари, ажратилган маблағлар тўғрисидаги маълумотлар аниқ ҳамда бутунлай шаффоф бўлиши лозим. Ижтимоий қўллаб-қувватлаш масалаларини қўлда бошқаришдан аниқ-равшан интеграциялашган тизимга ўтказиш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилди.

Хусусан, ўтган йилдан бошлаб мамлакатимизда бу борада муҳим қадамлар қўйилди. Жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 13 апрелдаги қарорига мувофиқ, “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизими йўлга қўйилмоқда. Бу оилалар эҳтиёжи ва талабгорларнинг белгиланган мезонларга мувофиқлиги даражасини ошкора, реал вақтда баҳолашни таъминлайди.

Эҳтиёж даражаси оила аъзоларининг даромадлари, мол-мулк, банк ҳисобварақлари, олинган кредитлар, турли идораларнинг тегишли ахборот базаларида мавжуд бўлган автомобиллар ҳақидаги маълумотларни ҳисобга олиш йўли билан аниқланади. Ушбу ҳисоб-китобларга асосан, ижтимоий хизматлар, ёрдамга муҳтож аҳоли ва кўмак олувчиларнинг ягона маълумотлар базаси шакллантирилади. Мазкур тизим Сирдарё вилоятида ўтган йилнинг 1 октябридан бошлаб пилот лойиҳа сифатида синовдан ўтказилди.

Ушбу тизим фаолиятини самарали амалга ошириш учун аҳолига кўрсатилаётган ёрдам тўғрисидаги ҳаққоний маълумотлар Ижтимоий ҳимоя ягона реестрига киритиб борилиши керак. Ушбу вазифа хонадонларни ўрганиш жараёнида ҳам амалга оширилади. Мазкур маълумотлар асосида ва айрим оилаларнинг турмуш даражасига карантин чекловларининг салбий таъсирини ҳисобга олган ҳолда Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ҳамда ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга масъул идоралар томонидан жорий йилда молиявий ёрдам ва кўмакка муҳтожлар рўйхати тузилди.



Ушбу рўйхатлардан кам таъминланганлар, имконияти чекланган фуқаролар, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар, ёлғиз кексалар, доимий ишсиз фуқаролар, карантин туфайли ишсиз қолган фуқаролар, эпидемиологик жиҳатдан ночор ҳудудлардан қайтган фуқаролар ўрин олган.

Мазкур рўйхатларга 1,7 миллиондан ортиқ аъзоси бўлган 400 мингдан ортиқ оила киритилди. Уларга бир марталик кўмак бериш учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 июлдаги “Коронавирус пандемияси даврида ёрдам ва ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолини моддий қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони билан республика бюджетидан 380 миллиард сўм маблағ ажратилди. Моддий кўмак миқдори ҳар бир оила аъзоси учун 220 минг сўм миқдорида этиб белгиланди.

Бу йўналишда кейинги муҳим қадам Ўзбекистон Президентининг жорий йил 4 августдаги “Аҳолига давлат ижтимоий хизматлари ва ёрдам тақдим этиш тартиб-таомилларини автоматлаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори бўлди. Қарорда жорий йилнинг 1 сентябридан бошлаб ижтимоий нафақаларни тайинлаш тўғрисидаги аризаларни кўриб чиқиш ва уларни тайинлаш тартиб-таомиллари “Электрон ҳукумат” тизимининг ажралмас қисми бўлган “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизими орқали босқичма-босқич, шу йил охиригача республиканинг барча ҳудудида амалга оширилиши белгиланган.

Ушбу тизимни жорий этишнинг асосий мақсади аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш, ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларга давлат ижтимоий хизматлари ва ёрдамини тақдим этишнинг яхлит тизимини яратишдан иборат.

2021 йилнинг 1 январидан бошлаб давлат ижтимоий хизматлари ва ёрдамини тақдим этишда давлат органлари ҳамда ташкилотлари томонидан фуқаролардан қўшимча ҳужжат ва маълумотлар талаб этилишига йўл қўйилмайди. “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизими орқали кам таъминланган деб эътироф этилганлик тўғрисида маълумотнома Ягона интерактив



давлат хизматлари портали орқали тақдим этилади ва 12 ой давомида амал қилади.

Сўнгги йилларда камбағалликни енгишга ҳисса қўшадиган бошқа соҳаларда ҳам салмоқли саъй-ҳаракатлар амалга оширилди. Янги иш ўринлари яратиш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, қишлоқ жойларда инфратузилмани такомиллаштириш, соғлиқни сақлаш, касб-ҳунар таълимини яхшилаш ҳамда иқтисодий миграция шулар жумласидандир. Бу соҳаларда охирги йилларда амалга оширилаётган ижобий ўзгаришлар мамлакатимизнинг узоқ муддатли камбағалликни қисқартириш дастурининг муҳим қисми ҳисобланади.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Муротжон АЗИМОВ,
Давлат божхона қўмитаси раиси




Мустақиллигимизнинг 29 йиллигига





# МИЛЛИЙ БОЖХОНА ТИЗИМИ ДУНЁНИНГ ЭНГ ИЛҒОР ДАВЛАТЛАРИ ТАЖРИБАСИ АСОСИДА ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИЛДИ

**Мамлакатимиздаги кенг кўламли ислоҳотлар самараси ўлароқ, чегара ўтказиш пунктларидаги божхона постлари инфратузилмаси замонавий шаклга келтирилди, барча зарур жиҳозлар билан таъминланди, йўловчиларга, юк ташувчиларга, меҳмонларга ҳамда сайёҳларга қулай шарт-шароитлар яратилди. Божхона органларининг тадбиркорга хизмат кўрсатувчи сифатидаги янги имижи шаклланди.**

Миллий божхона тизимини дунёнинг энг илғор давлатлари тажрибаси асосида янада такомиллаштириш бўйича илгари сурилган муҳим ташаббуслар натижасида сўнгги йилларда божхона маъмуриятчилиги тўлиқ ислоҳ қилиниб, тизимга рақамли технологиялар кенг жорий этилишига эришилди.

Ташқи иқтисодий фаолиятни либераллаштириш, экспорт салоҳиятини кучайтириш, инвестициявий жозибадорликни ошириш, тадбиркорлик фаолиятини енгиллаштириш, рағбатлантириш, ишбилармонлик муҳитини яхшилаш йўналишида изчил чора-тадбирлар амалга оширилиб келинмоқда.

Хусусан, 10 та рухсат бериш тартиби, ТИФ ТН коди бўйича экспертиза хулосасини талаб этиш ва контрактларни ҳисобга қўйиш шартлари бекор қилинди, тўловларни мобил-банкинг хизмати орқали онлайн ўтказиш йўлга қўйилди.

Божхона юк декларациялари (БЮД)ни автоматик рўйхатга олиш ва тақсимлаш жорий этилди. Олдинлари ушбу жараёнга 2-3 соат вақт кетган бўлса, бугунги кунда 5 дақиқа кифоя. Экспортда 90 фоиз, импортда 61 фоиз товарлар соддалаштирилган тартибда расмийлаштирилди.

Олдин товарларнинг 30-40 фоизи божхона экспертизасидан ўтказилган бўлса, ҳозир атиги 1 фоизига шундай тартиб қўлланиляпти.

Божхона юк декларацияларини интернет тармоғи орқали реал вақт режимида тўлдириш ва божхона органларига тақдим этиш йўлга қўйилди.

"Яллама" божхона пости ҳудуди 2 гектардан 5 гектарга кенгайтирилиб, амалдаги 4 талик транспорт йўлаги 7 та йўлакка кенгайтирилиб, жами 11 тага етказилди. Натижада постнинг автотранспорт ўтказиш қобилияти 250 тадан 1000 тага ошди. "Ғишткўприк" постида фуқаролар ўтиши учун 4 та қўшимча йўлак қурилиши натижасида постнинг суткалик йўловчи ўтказиш қобилияти 25 минг нафардан 50 минг нафарга ошди.

"Олот" ва "Айритом" чегара божхона постлари рақамлаштирилган божхона постларига айлантирилди.

Божхона постлари 19 та *(2019 йилда – 3 та)* инспекцион кўрик мажмуаси, 220 та *(2019 йилда – 39 та)* рентген аппарати, 122 та *(2019 йилда – 4 та)* радиацион портал қурилмаси ҳамда 1200 тадан ортиқ видеокузатув камераси, 8 комплект автотарози ва бошқа назорат техник воситалари билан таъминланди.

"Хавфни бошқариш" автоматлаштирилган ахборот тизими ишлаб чиқилиб, 2018 йил 1 декабридан бошлаб "сариқ" ва "қизил" йўлаклар, 2019 йил 1 мартдан бошлаб эса "яшил" ва "кўк" йўлаклар амалиётга жорий этилди. Натижада кўрик сони 1,4 баробар камайиб, самарадорлиги 1,5 баробар ошди, расмийлаштирув вақти экспортда 1,7 баробар, импортда 1,4 баробар қисқарди.

Ушбу кўрсаткич Жаҳон банкининг "Бизнес юритиш" рейтинги "халқаро савдо" йўналишида Ўзбекистоннинг 13 поғона юқорилашига хизмат қилди.

Соҳадаги муҳим янгиликлардан бири — божхона қоидаларига риоя этувчи ташқи иқтисодий фаолият иштирокчиларини рағбатлантириш ва уларга қулайликлар яратиш мақсадида ваколатли иқтисодий операторлар институти жорий этилди.

Ушбу мақомга эга бўлган ташқи иқтисодий фаолият қатнашчилари тўловларни кечиктириб тўлаш, товарларни бевосита ўз омборларига тушириш, божхона расмийлаштируви ва назоратини соддалаштирилган тартибда амалга ошириш каби қулайликлардан фойдаланиб келмоқда.

Бугунги кунга қадар республикамиздаги 28 та тадбиркорлик субъекти ваколатли иқтисодий оператор мақомига эга бўлди. Уларнинг сафи кундан-кунга кенгайиб бормоқда.

Ташқи иқтисодий фаолиятини либераллаштириш жараёнида нафақат божхона соҳаси, балки фитосанитария, санитар-эпидемиологик, ветеринария, экологик назорат органлари ва сертификатлаш органлари фаолияти самарадорлиги ҳам муҳим аҳамиятга эгадир.

Шу мақсадда Президентимизнинг 2019 йил 23 апрелдаги "Ташқи иқтисодий фаолиятни амалга оширишда маъмурий тартиб-таомилларни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилиниб, ушбу идораларга муҳим вазифалар юклатилган.

Хусусан, ташқи иқтисодий фаолиятни амалга оширишда давлат идоралари томонидан талаб қилинадиган ҳужжатлар сони ва рухсатномаларни бериш муддатлари қисқартирилди ҳамда идоралараро маълумотларни электрон кўринишда олишни назарда тутувчи "Ягона дарча" божхона ахборот тизими 2020 йил 1 январда амалиётга жорий этилди.

Содда қилиб айтганда, энди тадбиркорларимиз ўз идораларидан чиқмасдан, экспорт-импорт операцияларини амалга оширишда талаб этиладиган рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатлар ва сертификатларни интернет тармоғи орқали (www.yagonadarcha.uz) олиш имкониятига эга бўлди.

"Ягона дарча" божхона ахборот тизими ишга тушиши билан тадбиркорга ҳар бир босқичдаги жараённи кузатиш имконияти яратилиб, божхона тартиботлари янада енгил, шаффоф ва тезкор амалга оширилаётир.

Жорий йилда дастур орқали 21 318 та ТИФ қатнашчиси рўйхатдан ўтган бўлиб, ваколатли идоралар томонидан 302 424 та рухсатнома ҳужжати расмийлаштирилди.

Божхона расмийлаштируви ва назоратини амалга оширишда автоматлаштирилган ахборот тизимлари ва интерактив хизматлар амалиётга жорий этилди. Улар орқали тадбиркорларнинг 2,5 миллиондан ортиқ мурожаати асосида турли интерактив хизматлар кўрсатилди.

Бу эса ташқи иқтисодий фаолият қатнашчилари учун кўплаб қулайликларни яратмоқда. Масалан, илгари тадбиркорларга ҳар бир товарга мос равишда божхона тўловлари ставкалари, шунингдек, ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш учун зарур бўлган бошқа маълумотларни олишда ортиқча вақт сарфлашга тўғри келган бўлса, Давлат божхона қўмитаси веб-сайтида "Интеграциялашган тариф" интерактив хизмати жорий этилиши билан бу каби маълумотларни реал вақт режимида олиш имкони пайдо бўлди.

Шунингдек, Давлат божхона қўмитаси веб-сайти орқали ташқи иқтисодий фаолият иштирокчилари учун фойдали бўлган бир қатор ахборотларни тақдим этиш йўлга қўйилди.

Эндиликда республикамизнинг чегара божхона постлари орқали автотранспорт воситаларининг ҳаракати, шунингдек, ташқи иқтисодий фаолият иштирокчилари томонидан товар ва транспорт воситаларининг экспорти ва импортида божхона расмийлаштируви учун сарфланган ўртача вақт ҳақида божхона постлари кесимида ҳар ойда маълумотлар эълон қилиб келинмоқда. ДБҚ веб-сайтида божхона юк декларацияларининг расмийлаштируви мақомини реал вақт режимида кузатиш онлайн электрон хизмати ишга тушган.

Мамлакатимизда товарлар ташқи савдоси айланмасининг ўртача йиллик кўрсаткичи ўсиши 20-25 фоизни ташкил этмоқда. Шунингдек, 2020 йил 7 ойи давомида 12,2 триллион сўм божхона тўловлари ундирилиб, сўнгги уч йилда бу кўрсаткични уч ярим баробар оширишга эришилди. Тўлов миқдори 2017 йилнинг 7 ойида 3,7 триллион сўмни, 2018 йилнинг 7 ойида 6,5 триллион сўмни, 2019 йилнинг 7 ойида эса 8,4 триллион сўмни ташкил этган.

Божхона тўловлари динамикасининг ижобий томонга ўзгаришига тизимда рақамли технологияларни кенг жорий этиш, товарлар ва транспорт воситалари устидан самарали божхона назоратини ташкил этиш орқали эришилганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Мазкур кўрсаткичлар замонавий технологияларни қўллаш давр талаби эканини кўрсатиб бермоқда. Шу боис, бу йўналишдаги ишлар изчиллик билан давом эттирилмоқда.

Президентимизнинг жорий йил 5 июндаги "Божхона маъмуриятчилигини ислоҳ этиш ва Ўзбекистон Республикаси давлат божхона хизмати органлари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида"ги фармони том маънода божхона органлари фаолиятини тубдан ислоҳ қилиш ва божхона хизматида замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланишда асосий дастуриламал бўлиб хизмат қилади.

Фармонда 2020-2023 йилларда божхона маъмуриятчилигини ислоҳ қилиш ва Ўзбекистон Республикаси давлат божхона хизмати органлари фаолияти самарадорлигини ошириш концепциясини амалга ошириш бўйича "йўл харитаси", божхона органларини ривожлантириш мақсадида аниқ ва мақсадли чора-тадбирлар белгиланган.

Жумладан, тадбиркорларга қулай шарт-шароит яратиш ва уларнинг вақтларини тежаш мақсадида божхона юк декларациясини расмийлаштириш вақти хавф даражасидан келиб чиқиб, 3 кундан 1 кунгача қисқартирилади.

Мазкур ҳужжат билан қонунга итоаткор тадбиркорлар учун божхона назоратининг янги шакли — божхона аудити жорий этилди.

Божхона аудити АҚШ, Канада, Россия, Япония, Хитой, Жанубий Корея ва Ғарбий Европа мамлакатлари божхона тизими амалиётида кенг қўлланилиб келинмоқда.

Юртимиз божхона тизимида ҳам божхона аудитининг жорий этилиши натижасида юкларни ялпи божхона назоратидан ўтказишга асосланган текширишлардан буткул воз кечилади. Яъни "Хавфни бошқариш" автоматлаштирилган ахборот тизими орқали "кўк йўлак"ка йўналтирилган ҳамда соддалаштирилган равишда эркин муомалага чиқарилган товарлар устидан самарали назорат амалга оширилади.

"Хавфларни бошқариш" автоматлаштирилган ахборот тизими автомобиль чегара божхона постларида 2020 йил 1 июндан синов тариқасида ишга туширилди.

Тизимнинг тўлиқ ишга туширилиши чегара ўтказиш пуктларида юк ташувчиларга хавф даражасидан келиб чиқиб назорат шаклларини соддалаштириш ёки қўллашни назарда тутади. Шу ўринда чегара божхона постларида транспорт воситаларини очмасдан, улардан товарларни туширмасдан, қисқа вақт ичида назоратдан ўтказиш ҳамда божхона назоратини соддалаштириш мақсадида божхона органларида замонавий инспекцион кўрик мажмуаларидан фойдаланиб келинмоқда.





> **Мамлакатимизда товарлар ташқи савдоси айланмасининг ўртача йиллик кўрсаткичи ўсиши 20-25 фоизни ташкил этмоқда. Шунингдек, 2020 йил 7 ойи давомида 12,2 триллион сўм божхона тўловлари ундирилиб, сўнгги уч йилда бу кўрсаткични уч ярим баробар оширишга эришилди. Тўлов миқдори 2017 йилнинг 7 ойида 3,7 триллион сўмни, 2018 йилнинг 7 ойида 6,5 триллион сўмни, 2019 йилнинг 7 ойида эса 8,4 триллион сўмни ташкил этган.**

Мазкур мажмуалар ёрдамида айрим ҳолларда 2-3 кунгача давом этувчи божхона кўригига сарфланадиган вақт 10-15 дақиқага туширилишига эришилди.

Чегара божхона постларини янги турдаги замонавий назорат техника воситалари билан таъминлаш давом этмоқда. Жумладан, инсон танасини сканер қилувчи 5 та "Body Scan" қурилмаси ҳамда юк автотранспорти воситаларини сканер қилувчи "Z-portal" туридаги 3,9 миллион АҚШ долларлик 1 комплект стационар инспекцион кўрик мажмуаси ўрнатилиб, ишга туширилди.

Шунингдек, чегара ўтказиш пунктларида транспорт воситаларининг электрон навбатини бошқариш тизимини жорий этиш ҳамда у орқали чегарадаги барча идораларнинг умумий ахборот алмашинуви платформасини яратиш орқали инсон омилини минималлаштириш чоралари кўрилмоқда.

Бундан ташқари, божхона тизимида "Bojxona auditi", "E-tranzit", хавф даражаси паст бўлган божхона юк декларацияларини автоматик равишда божхона расмийлаштирувидан ўтказиш тизимини босқичма-босқич амалиётга киритишни назарда тутувчи "Avtomatlashtirilgan tarzda chiqarib yuborish" каби бир неча автоматлаштирилган ахборот тизими йўлга қўйилди.

Бу тизим жорий этилиши натижасида 2021 йил 1 январгача "экспорт" божхона режимига расмийлаштириладиган божхона юк декларациялари сонининг 5 фоизидан кам бўлмаган қисми, 2022 йилнинг 1 январигача эса умумий расмийлаштириладиган божхона юк декларациялари сонининг 20 фоизи автоматик тарзда инсон омили аралашувисиз расмийлаштирилади.

Шунингдек, "вақтинча сақлаш" ва "божхона омбори" божхона режимларида 2022 йил 1 январигача божхона юк декларациялари сонининг 20 фоизидан кам бўлмаган қисми автоматик тарзда расмийлаштирилиши йўлга қўйилади.

Товарларни электрон декларациялаш порталида ҳар бир божхона режимига нисбатан божхона юк декларациясига танланган божхона режими учун зарур маълумотларни киритиш имконини берувчи БЮДни тўлдириш бўйича қулай бўлган "дўстона интерфейс" ишлаб чиқилиб амалиётга жорий этилади.

Божхона органлари ва ташқи иқтисодий фаолият иштирокчилари ўртасида электрон ҳужжатлар ва маълумотларни электрон шаклда алмашиш имкониятини берувчи "TIF qatnashchisining shaxsiy kabineti" ҳамда божхона режимлари кесимида ТИФ иштирокчиларининг вақт ва молиявий харажатларини кўрсатиб берувчи, ТИФнинг барча тартиботларини босқичма-босқич назарда тутувчи "TIF bosqichma-bosqich" ахборот платформалари ишлаб чиқилади.

"Йўл харитаси"да белгиланган вазифалар амалга оширилиши натижасида декларантларга БЮДни тўлдиришда товарларнинг божхона тўловларини ҳисоблашга таъсир этмайдиган қоидабузарликларни ихтиёрий равишда тузатиш ҳуқуқини тақдим этувчи тартиб амалиётга киритилади.

Ўзбекистон Республикасида ТИР-карнет китобчалари асосида ташувларни электрон расмийлаштиришни назарда тутувчи "E-TIR" лойиҳасини жорий этиш бўйича тадбирлар амалга оширилади.

Шу йилнинг 1 ноябридан эътиборан божхона назоратининг муқобил турларини (кафолат, гаров ва бошқалар) қўллашни кенгайтириш ҳамда замонавий электрон пломбаларни жорий қилиш орқали товарларни божхона ҳамроҳлигида кузатиб бориш ҳолатларини қисқартириш режалаштирилган.

Божхона идоралари томонидан кафолат ҳужжатларини бериши мумкин бўлган ташкилотлар (банк, суғурта) рўйхати юритилиши белгиланиб, мазкур жараёнлар тўлиқ автоматлаштирилади.

Фармон талабларига кўра, божхона соҳасида тадбиркорлар учун яна бир қулайлик амалиётга жорий этилади. Эндиликда "божхона ҳудудида қайта ишлаш" божхона режимида қайта ишлаш маҳсулотларининг чиқиш нормасини идентификациялаш ва баҳолаш услубияти тадбиркорлик субъектининг ўзи томонидан ишлаб чиқилиши белгиланиб, бу қайта ишлаш жараёнларини кескин соддалаштиради.

Бу жараёнда қайта ишлаш бўйича операциялар рўйхати кенгайтирилиб, тадбиркорга хорижий буюртмачи мавжуд бўлмаганда қайта ишлаш операцияларини амалга оширишга рухсат берилади. Юртимизда қайта ишлаш жарёнлари салмоғининг кенгайтирилиши умумий ишлаб чиқариш ҳажми ошишига ва қўшимча иш ўринлари яратилишига замин яратади.

Божхона органлари ва ТИФ иштирокчилари ўртасидаги муаммоли ҳолатларни камайтирувчи божхона иши соҳасидаги божхона органларида тортишувларни судгача ҳал этиш тартиби жорий этилади.

Шартнома асосида жисмоний ва юридик шахсларга божхона экспертизасини ўтказиш ҳамда ташқи иқтисодий фаолият товарлар номенклатураси кодларини аниқлаш ҳамда статистик маълумотларни тақдим этиш бўйича хизматлар кўрсатилиши йўлга қўйилади ҳамда божхона органлари тадбиркорга хизмат кўрсатувчи ёки кўмакчи бизнес ҳамкор идора сифатида ислоҳ қилинади.

Жорий йилнинг 27 июль куни Президентимиз раислигида хуфиёна иқтисодиётни қисқартириш ва коррупциянинг олдини олиш масалалари бўйича ўтказилган йиғилишда юртимизга импорт товарларининг кириб келиши, божхонадан ўтказилиши ва сотилиши бўйича ягона базани ишга тушириш ҳамда 2021 йил 1 январдан эътиборан "Божхона аудити" ахборот тизимини жорий этиш лозимлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди. Бунинг натижасида солиқ ва божхона идораларининг назорат қилишнинг ахборот алмашинуви базасини яратиш орқали товарлар чиқариб юборилганидан сўнг божхона назоратидан ўтказиш шаклининг самарадорлиги ортиши, товарлар божхона расмийлаштируви вақти ва сарф-харажатлар қисқартирилишига эришилади.

Жорий йилнинг шу давригача божхона органлари томонидан 5300 тадан ортиқ ҳуқуқбузарлик ҳолати аниқланиб, 170 миллиард сўмликка яқин товар-моддий бойликлар ашёвий далил сифатида ушлаб қолинган.

Келгусида соҳани янада такомиллаштириш мақсадида халқаро меъёр ва стандартларни имплементация қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Буларнинг барчаси юртимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигига хизмат қилиши аниқ.

---

Тадбир

# МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ЯГОНА

## электр энергиясини ҳисобга олишни автоматлаштириш маркази фойдаланишга топширилди

**Ирода ТОШМАТОВА,**
"Янги Ўзбекистон" мухбири

Электр энергиясининг манзилли сарфланиши, исрофгарчиликларнинг олдини олиш мақсадида айни кунларда юртимизда электр қувватини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизимини жорий этиш бўйича фаол ишлар олиб борилмоқда.

Тошкентда "Ҳудудий электр тармоқлари" АЖнинг Электр энергиясини ҳисобга олишни автоматлаштириш маркази фойдаланишга топширилди. Унинг очилиш маросимида нуфузли халқаро ташкилотлар, энергетика соҳаси ва маҳаллий давлат идоралари вакиллари иштирок этди.

Жанубий Кореянинг "KT Corporation" ҳамда Осиё тараққиёт банки билан ҳамкорликда ташкил этилган мазкур марказ Марказий Осиёда ягона ҳисобланади. Лойиҳа мамлакатимизда энергетика соҳасини янада ривожлантириш, электр энергияси таъминотида инновацион технология ва ечимлардан фойдаланиш имконини беради.

— Президентимизнинг 2018 йил 23 октябрдаги "Электр энергетикаси тармоғини жадал ривожлантириш ва молиявий барқарорлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, 2021 йил июль ойига қадар республика бўйича 7,4 миллиондан ортиқ истеъмолчининг барчаси электр энергиясини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизимига уланиши кўзда тутилган, — деди "Ҳудудий электр тармоқлари" АЖ бошқаруви раиси Улуғбек Мустафоев. — Ҳозирга қадар республикамизнинг 70 дан ортиқ туман ва шаҳрида 3,6 миллиондан зиёд истеъмолчи хонадонига замонавий электр ҳисоблагичлар ўрнатиб берилди. Таҳлил натижалари ушбу тизимнинг синов лойиҳасини амалга ошириш давомида истеъмолчилардан фойдаланилган электр энергияси учун ҳақ тўлаш даражаси 99 фоизгача ўсганини кўрсатди. Бугунги ташкил этилган марказда республика, вилоят, туман (шаҳар) ва маҳаллалар кесимида электр энергияси истеъмолчиларининг маълумотлари сақланади. Шу билан бирга, дастурий таъминот орқали электр энергиясининг соатлик, суткалик, ойлик ва йиллик балансларини шакллантириш, кўп тарифлик тизимида ҳисоб-китобларни амалга ошириш имкони мавжуд. Авваллари электр энергияси тўловларини тўлаган ҳам, тўламаган ҳам бирдек тармоқдан узилган бўлса, ушбу тизимда тўловларни амалга оширган фуқароларда ҳеч қандай муаммолар кузатилмайди.

Марказ Жанубий Кореянинг "KT Corporation" компанияси томонидан дунёнинг етакчи давлатларида ишлаб чиқарилган сервер қурилмалари билан таъминланган бўлиб, унга ўрнатиладиган дастурий таъминот 8 миллион истеъмолчини улашга мўлжалланган. Келгусида истеъмолчилар сонини 20 миллионга етказиш имконияти мавжуд.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, аввалги дастурдан фарқли ўлароқ, ушбу дастурий таъминотга энергообъектлар(нимстанциялар, электр станциялар)ни ҳам улаш имкони яратилади. Бугунги кунда Бухоро, Самарқанд ва Жиззах вилоятларида кичик марказлар қурилган бўлиб, Самарқанд вилоятидаги захира сервер фойдаланишга топширилди.




Музаффар АБДУЛЛАЕВ олган сурат.

**Термизда республика бюджетидан ажратилган 144 миллиард 188 миллион сўм эвазига 27 та ижтимоий соҳа объектини қуриш кўзда тутилганди.**

**Мустақиллигимизнинг 29 йиллигига**



## СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ:

# МАҚСАД — ОДАМЛАРНИ РОЗИ ҚИЛИШ, ФАРОВОНЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ



Бошланиши 1-бетда

Дарҳақиқат, яқингача собиқ иттифоқнинг ҳарбий шаҳарчаси ҳисобланган ва ҳатто атрофда яшаётган маҳаллий халқ ҳам паспортсиз ҳамда визасиз киритилмайдиган Термиз шаҳри истиқлол йилларида ёнига кенгайиб, бўйига ўсди. Таниб бўлмас даражада ўзгариб бораётган шаҳар ҳудудида кенг кўламли қайта қуриш, ободонлаштириш ишлари давом этмоқда.

Қадимий ва навқирон Термиз шаҳрида охирги йилларда мазмун-моҳиятан ўн беш йилларга татийдиган ишлар уддаланди. Жумладан, бош режага мувофиқ, Султон Саодат, Баркамол авлод ва Навоий кўчалари реконструкция қилиниб, улар ёқасидаги якка тартибдаги пастқам, кўримсиз 380 тага яқин уй ҳамда 26 та нотураржой бино қонунда белгиланган тартибда бошқа ҳудудларга кўчирилди. Ҳозир улар ўрнида 52 та кўп қаватли турар жой қад ростлаган. Умуман, кейинги икки йил мобайнида шаҳарда 117 та кўп қаватли уй-жой барпо этилди.

Термизда республика бюджетидан ажратилган 144 миллиард 188 миллион сўм эвазига 27 та ижтимоий соҳа объектини қуриш кўзда тутилганди. Жадал қурилиш ишлари туфайли 700 ўринли замонавий ва муҳташам санъат саройи, 300 ўринли амфитеатр бунёд этилди. "Болажон" боғи қайта барпо этилди ва турли аттракционлар ўрнатилди. Бахт боғи ҳудуди реконструкция қилинди ва бу ерда қатор муҳандислик иншоотлари қад ростлади, ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишлари бажарилди.

Тадбиркорлар маркази биносини Сурхондарё тарихи ва маданияти давлат музейига ва вилоят мусиқали драма театри биносини Қўғирчоқ театрига айлантириш юзасидан катта ҳажмли таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Термиз ҳайвонот боғи маъмурий идораси, 2500 одам бир йўла намоз ўқийдиган масжид ҳамда Имом Термизий номидаги халқаро илмий-тадқиқотлар маркази биноси ҳамда бу марказда фаолият юритувчи олим ва мутахассислар учун барча қулайликларга эга 5 хонадонга мўлжалланган коттеж типидаги уйлар қурилди.

Шунингдек, Бахшичилик болалар мусиқа ва санъат мактаби бунёд этилиб, фойдаланишга топширилди. Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий урология ҳамда Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургияси марказининг Термиз филиаллари учун ажратилган собиқ шифохоналар бинолари тўла таъмирланиб, фойдаланишга топширилди.

Шаҳар бозорлари қайта қурилди ва ободонлаштирилди, 15 та таълим, спорт ва соғлиқни сақлаш объекти таъмирланди. "Фаровон" массиви ҳудудида 250 ўринли деҳқон бозори барпо этилди, унга яқин жойда 480 ўринли "Яшил дунё" бозори қурилди.

Шу кунларда "Чегара" маҳалласи ҳудудидан шаҳарга қараб бетонлаштирилган канал тортиб келинмоқда. Бу канал суви шаҳар шимолий қисми бўйлаб, "Машҳура" диагностика маркази ёнидан ўтади ва Янги Термиз масжиди ёнидан шаҳар ҳайвонот боғи томон бурилади ҳамда темир йўл ёқалаб Амударёга қараб оқади. 11,5 километрга чўзиладиган канал шаҳар об-ҳавосини мўътадиллаштиради ва катта ҳажмдаги кўкаламзорлаштириш, ободонлаштириш ишларига йўл очади.

Олий Мажлис Сенатининг 2019 йил декабридаги "Сурхондарё вилоятининг Термиз шаҳри ва Термиз тумани чегараларини ўзгартириш тўғрисида"ги қарорига асосан, Термиз туманидаги "Намуна", "Кокилдор ота", "Навоий", "Нурли диёр", "Тинчлик", "Мангузар", "Чегара", "Паттакесар" каби 8 та маҳалла ҳудудидаги 249,8 гектар ер шаҳар ихтиёрига ўтди. Эндиликда бу маҳаллалар ҳудудини ободонлаштириш, коммуникация-маиший хизмат тармоқларини ривожлантириш учун кенг кўламли ишлар бажарилмоқда. Фестиваль ўтказилган майдондан то ҳайвонот боғигача кўчанинг икки томонида икки қаватли коттеж уйлар қурилиши бошланмоқда. Бу тарздаги уйлар Термиз шаҳридан Ангор тумани томон кетган катта магистрал йўлнинг ҳар икки томонида ҳам барпо этилади.

Бундан ташқари, шаҳарнинг қоқ марказидаги Бахт боғининг орқа томонида Япон боғи ташкил қилинмоқда. 4,9 гектар майдондан иборат бу жойда японча бинолар қурилади ва кунчиқар мамлакатга хос дарахт ҳамда ўсимликлар экилади. Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси вилоят ҳудудий бошқармаси бошлиғи ўринбосари Зебинисо Алимардsecuritynovaнинг таъкидлашича, тарихий-меъморий обидалари, археологик ёдгорликлари, хушманзара табиати, шифобахш зилол сувлари билан дунё сайёҳларини ўз бағрига чорлаётган Сурхон воҳаси яқин йилларда Термиз шаҳрида қуриладиган Япон боғи комплекси билан хорижликларни мафтун эта бошлайди.

Боғда Япониянинг ўсимлик дунёси акс этиб, воҳа иқлимига мос япон беҳиси, сакура, қизилчинор, шамшод, юка, агава ва бошқа дарахтлар кўчатлари экилади. Амударё тимсоли акс этган арналар, улар устида япон услубидаги кўприкчалар, боғ ҳудуди бўйлаб айвончалар ва тошлар боғи қурилади.

Яқингача Термиз шаҳрида ташкилотлар кўп эди-ю, нондан бошқа маҳсулот ишлаб чиқарадиган корхона, завод, фабрика бунёд этилмаганди. Шаҳар аҳолисини иш билан таъминлаш мақсадида охирги 4 йилда "Термиз чинни буюмлари", "Сурхон КСП-Гранд" МЧЖ, "Сурхон ипаги", "Интер Силк Про", "Комфорт мебел сервис" МЧЖ, "Зиф текстиль", "Сурхон керамика" каби ўнлаб замонавий корхоналар фаолият юритмоқда ва бу ишлаб чиқариш корхоналарида минг нафардан зиёд киши иш билан банд.

Ўрта ва кичик бизнес субъектлари томонидан ташкил қилинган 665 та корхонада хилма-хил озиқ-овқат ва халқ истеъмоли моллари тайёрланмоқдаки, бу шаҳар аҳолисини зарур товарлар билан тўлиқ таъминлашга хизмат қилаётир.

Бундан тўрт-беш йил бурун Термизга оддий музқаймоқ ҳам Самарқанд ва Тошкентдан келтириларди. Нима эмиш, Термизнинг иссиғида музқаймоқ тайёрлаб бўлмасмиш. Бу фикр ўйлаб топилган чўпчак эканини шаҳарда икки йилдан бери фаолият кўрсатаётган "Саиджон-Муҳаммаджон музқаймоқлари" МЧЖ тадбиркорлари амалда исботлашди. Мазкур хусусий корхона цехларида 20 хилдан зиёд музқаймоқлар тайёрланиб, боз устига, қадоқланган ҳолда нафақат Термиз шаҳри аҳолисига, балки туманларга ҳам етказилмоқда. Бу ўзгариш ва ютуқларнинг барчаси истиқлолнинг одамларга эркин ишлаш саодатини тақдим этганидандир.





### МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ ДОИМО ЭЪТИБОРДА

Музработ туманида узоқ йиллар меҳнаткашларнинг фарзандлари таълим ва тарбияси билан шуғулланган Дўстқобил ҳожи Қодиров нафақага чиққач 7-умумтаълим мактабига яқин жойда меҳнат фаолияти даврида тўплаган 11 минг нусхадан зиёд китоби ҳисобига 4 хонадан иборат кутубхона бунёд этди. Бугун таълим фахрийси кутубхонага мудирлик қилиб, ёшларни китобхонликка даъват этмоқда. Зиё масканида 4 мингдан зиёд адабиётнинг электрон варианти, компьютерлар жамланмаси мавжуд бўлиб, ёшлар улардан фойдаланишяпти.

Деновлик тадбиркор Ислом Худойбердиев 2,7 миллиард сўм маблағ эвазига туман марказида муҳташам "Китоб дунёси" биносини қурди. Бу жойда 1,5 минг китоб фондига эга кутубхона, китоб дўкони фаолият кўрсатмоқда. Ёшларни китобхонликка қизиқтириш учун бир неча тўгараклар ташкил этилган.

Ҳақиқатан ҳам, вилоят ёшлари Президентимиз саъй-ҳаракати билан бошланган беш ташаббусга қўшилиб, қимматли вақтларини китоб мутолаасига бағишламоқда. Ўтган йили тадбиркорлар ва ҳомийлар томонидан 1,5 миллиард сўмлик китоблар ўқувчиларга, талабаларга, кутубхоналарга туҳфа қилинди. Шу йилнинг ўзида 500 минг дона китоб китобхонлар қўлига тегди. Беш ташаббус доирасида ўтказилаётган тадбирларда китоб совға қилиш, энг яхши китобхонларни рағбатлантириш одатга айланди. Китоб дўконлари кўпаймоқда, кутубхоналар замон талабига мослаб жиҳозланмоқда. Бир сўз билан айтганда, китобга эътибор ва меҳр кучаймоқда.

Вилоятда ёшларнинг таълим олиши, касб-ҳунар эгаллашига барча қулайлик яратиляпти. Янги мактаблар, ҳунарга ўқитиш марказлари, хусусий ва давлат шерикчилигидаги мактабгача таълим муассасалари кўпаймоқда. Мавжудлари таъмирланиб, шароитлари яхшиланяпти. Шу пайтгача воҳада ягона Термиз давлат университети фаолият кўрсатиб, бу даргоҳда асосан педагог кадрлар тайёрланган бўлса, бошқа касб ва мутахассисликлар бўйича илм олиш мақсадида воҳаликлар республиканинг Тошкент, Самарқанд, Бухоро каби йирик шаҳарларига бориб таҳсил олишга мажбур эди.

Бундан тўрт-беш йил муқаддам ҳам Деновда Самарқанд давлат университетининг Денов тадбиркорлик ва педагогика институти очилади, дейишса кўпчилик ишонмасди. 2020-2021 ўқув йилидан Деновда ташкил этилган ушбу олий ўқув юртининг фаолият кўрсатиши, айниқса, аҳоли зич яшаётган Узун, Сариосиё, Денов, Олтинсой, Шўрчи туманлари ёшларига ҳам, ота-оналарга ҳам ҳар томонлама қулайлик яратади.

Охирги йилларда Термиз шаҳрида Тошкент давлат аграр университети, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Тошкент давлат техника университети, Тошкент тиббиёт академиясининг Термиз филиалллари фаолият кўрсатаётгани йигит-қизларнинг барча соҳалар бўйича етук мутахассислар бўлиб етишишига хизмат қиляпти.

Бу олий даргоҳлар ҳузуридаги академик лицейлар, Жарқўрғонда ИИВга қарашли



лицей мактаб, Миллий гвардияга қарашли Темурбеклар мактаби очилгани Ватан, юрт равнақи йўлида хизмат қилишга чоғланган баркамол авлодни тарбиялашда муҳим ўрин тутмоқда. Узоқни кўзлаб амалга оширилаётган бу ишларнинг барчаси юрт келажаги – ёшларга бўлган катта эътибор ва беқиёс ғамхўрлик ифодасидир.

### ЭНДИ ПАХТА ДАРОМАДИ БИЛАН ЯШАБ БЎЛМАЙДИ

Узоқ йиллар Сурхондарёнинг қишлоқ хўжалиги, хусусан, иқтисодиёти етиштирилган пахта салмоғи ва ундан олинадиган даромад билан боғлиқ бўлиб келди. Чиндан ҳам, вилоят далаларида саноат корхоналари учун ноёб тола тайёрланадиган ипак пахтадан юқори ҳосил олинади. Лекин бугунги шароитда фақат пахтанинг даромади билан халқни боқиб бўлмаслиги ойдинлашмоқда. Шунинг учун вилоят деҳқонлари илмий ёндашувлардан келиб чиққан ҳолда ноанъанавий экинларни экиш ва юқори ҳосил етиштириш тажрибасини қўллашдан чўчишмаяпти.

Соҳа мутахассислари тупроқ таркиби, унумдорлиги, табиий иқлимни илмий жиҳатдан ўрганиб, қайси зироат экилса, катта самара келтиришини ҳисоб-китоб қилгандан сўнг деҳқонларга кўпроқ фойда келтирадиган экинларни етиштиришни тавсия этишяпти.

Икки йилдирки, деҳқонлар соя ва фасолни такрорий экин сифатида ўстиришяпти. Келгусида сояни воҳа далаларида биринчи экин сифатида кенг майдонларда ўстириш ҳамда уруғликни ўзлари тайёрлаш мақсадида Ўсимликларни ҳимоя қилиш илмий-тадқиқот институти олимлари ҳамкорлигида Ангор туманидаги "Ангор агро хизмат агро комплекс" МЧЖ тадбиркорлари 2 гектар майдонда сояни тажриба сифатида парваришлашяпти. Мақсад — келгусида сояни катта майдонларда ўстириб, экспортга чиқариш ва кўпроқ фойда олиш.

Вилоят иқлими эртаги маҳсулотлар етиштиришга жуда қулай. Шу пайтгача эртаги картошка, помидор, бодринг, булғор қалампири, қовун, тарвуз, асосан, аҳоли томорқаларидаги иссиқхоналарда етиштирилган бўлса, икки йилдирки, Музработ туманидаги "Дипломат трейдинг экспорт" агрофирмаси ҳамда "Шеробод агро импех" МЧЖнинг 50-100 гектардан иборат далаларида, шунингдек, фермер ва деҳқон хўжаликлари тасарруфидаги иссиқхоналарда ўстириляпти, пахта ва бошқа экинларга нисбатан икки баравар зиёд даромад олиняпти.

Яқин вақтгача Жарқўрғон туманининг Боботоғ ҳудудида етиштирилган пахтанинг гектаридан уч миллион сўм атрофида даромад олинган бўлса, ҳозир ушбу далалар "Самарқанд Антип Гилам Агрожарқўрғон" кластери тасарруфига берилгач, бодомзорга айлантирилди. Тадбиркорлар ҳар гектар бодомзордан 50 миллион сўмгача даромад кутишяпти. Яқин келажакда Сурхондарё бодом, цитрус мевалар экспорти бўйича ҳам республикага танилади.

Шу йилнинг ўзида воҳа деҳқонлари 14,1 минг тонна қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини Афғонистон ва Покистонга жўнатишди. Декабрь ойигача экспорт ҳажми янада ошади. Чунки деҳқонлар ғалладан бўшаган минг-минглаб гектар майдонда ерёнғоқ, мош, фасол ва бошқа экспортбоп маҳсулотлар етиштиришяпти.

### ЯНГИЛАНАЁТГАН ДЕНОВ

Бугунги Денов тумани ҳудудида жойлашган кўҳна Чағониён қадимги даврлардан бери маданий марказ сифатида муҳим аҳамиятга эга бўлган. Археологлар манбалар ва моддий топилмаларни ўрганиб, Денов шаҳри ва унинг теварак атрофлари бундан икки-уч минг йил илгари ҳам ривожланган ҳудуд бўлганини асослаб бердилар. Деновнинг тарихини айтаверсак, катта бир достон. Энг кўп аҳоли яшаётган Денов туманининг бош режасига ўз вақтида урбанизация нуқтаи назаридан ёндашилмагани туфайли айрим саноат корхоналари, деҳқон ва буюм бозорлари шаҳар марказида жойлаштирилган. Оқибатда аҳоли гавжум ҳудудларда кириш ва чиқиш йўлларининг торлиги, автомобиллар учун тўхташ жойи ҳамда инфратузилма тармоқлари етарли эмаслиги қатор муаммоларни юзага келтираётганди.

Давлатимиз раҳбари жойларда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар билан танишиш учун ўтган йил 17-19 октябрда Сухондарёга ташрифи давомида Денов туманида янги ташкил қилинган "Денов текстиль" фабрикасида бўлиб, туманни комплекс ривожлантириш дастурини амалга ошириш бўйича кўрсатмалар берганди. Шу йилнинг 9 апрелида Президентимизнинг деновликлар кутган "2020-2022 йилларда Сурхондарё вилоятининг Денов тумани ва унинг марказини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш тўғрисида"ги қарори қабул қилинди. Унга кўра, шаҳарсозлик талаблари асосида туман маркази янги қиёфа касб этиб, замонавий кўп қаватли уй-жойлар, кўркам савдо ва ижтимоий-маиший хизмат кўрсатиш объектлари қурилади. XVI асрда бунёд этилган, ҳозир таъмирталаб бўлиб қолган Саид оталиқ мадрасаси мажмуаси ҳамда Хожа Алоуддин Аттор меъморий обидалари таъмирлаб, тикланади. Айни пайтда Деновда қурилиш-ободонлаштириш ишлари бошлаб юборилган.

Хулоса ўрнида айтиш керакки, Сурхон воҳаси аҳолиси юртимизда амалга оширилаётган улкан ўзгаришларга камарбаста бўлиб, кўтаринки кайфият ва эртасига мустаҳкам ишонч билан турмуш кечиришмоқда.

**Усмонали НОРМАТОВ,**
**"Янги Ўзбекистон" мухбири**

## Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 20 август куни мутлақо янги тизим, тартиб ва ёндашувлар асосида иқтисодий фаолликни ошириш ҳамда ҳар бир туман ва шаҳарга қўшимча захира яратиш чора-тадбирлари юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди.



**Карантин талаблари юмшатилгани туфайли мамлакатимизда иқтисодий фаоллик оша бошлади. Савдо, ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва бошқа соҳалардаги тадбиркорлик фаолияти тикланиб, даромадларни кўпайтиришга имконият пайдо бўлди.**



**Жорий йил 1 декабрга қадар 500 миллиард сўм қўшимча захира шакллантиришга тўлиқ имконият борлиги аниқ ҳисоб-китоб қилинган. Ушбу маблағлар эҳтиёжманд аҳолини қўллаб-қувватлаш учун республика бюджетидан берилаётган пулларга қўшимча ресурс бўлади.**



**Август ойида 20 минг, сентябрда 26 мингта корхона фаолиятини тўлиқ қувватга олиб чиқиш, уларнинг пандемия туфайли тўпланиб қолган маҳсулотларини сотиш учун шарт-шароитлар яратиш зарурлиги таъкидланди.**



**Давлат томонидан ажратилган субсидия ва кам фоизли кредит эвазига Фориш туманида 100 та қудуқ қазилиб, фойдаланишдан чиқиб кетган 2 минг 700 гектар ерда 6 та токзор ташкил этилди. Бунинг натижасида 2,5 минг янги иш ўрни яратилиб, бюджетга қўшимча тушум таъминланади.**





**Эркин иқтисодий зоналардаги муҳандислик-коммуникация тармоқлари билан таъминланган 1 минг гектардан зиёд бўш ер майдонларида 17 минг иш ўрни яратиладиган 120 та лойиҳани амалга ошириш мумкин.**



**Йиғилишда ишсиз ёшлар ва хотин-қизлар бандлигини таъминлаш масаласига алоҳида аҳамият қаратилди.**

**Вилоят ҳокимлари Бизнес-омбудсман, Божхона қўмитаси билан бирга 1 октябргача тадбиркорлар томонидан келтирилган технологик ускунани ишга тушириш ҳамда улар учун ер, бино, электр, газ ва бошқа муҳандислик-коммуникация масалаларини ҳал қилиш зарурлиги қайд этилди.**



**Мамлакатимизда жорий этилган "темир дафтар"лар сингари, ишсиз ёшлар бўйича алоҳида ("Ёшлар дафтари"), ишсиз ва боқувчисиз хотин-қизлар бўйича алоҳида ("Аёллар дафтари") рўйхатлар шакллантириб, ҳар бири билан янги тизим, янгича тартибда манзилли ишлаш муҳимлиги таъкидланди.**

**Энг юқори натижаларни қайд этиб, 2 минг АҚШ доллари пул мукофотини қўлга киритганлар орасида Тошкент давлат аграр университети Нукус филиали 4-босқич талабаси Рустамжон Мадраимов ва унинг жамоаси ҳам бор.**



Танлов

# ИННОВАЦИОН ЛОЙИҲАЛАР ҳаётга кенг татбиқ этилади

**Ирода ТОШМАТОВА,**
**“Янги Ўзбекистон” мухбири**

**Глобал иқлим ўзгаришлари сўнгги ўн йилликларда инсониятни ташвишга солаётган энг долзарб муаммолардан бирига айланди. Бугун унга қарши курашда нафақат катталар, балки ёшлар ҳам фаоллик кўрсатмоқда.**



Ўзбекистон ёш фермерлари кенгаши томонидан Глобал экологик фонднинг кичик грантлар дастури билан ҳамкорликда “Ёшлар иқлим ўзгаришига қарши” лойиҳаси доирасида ўтказилган танловда ҳам мамлакатимизнинг 35 ёшгача бўлган йигит-қизлари атроф-муҳитни асрашга қаратилган инновацион лойиҳалари билан иштирок этди.

Умумий мукофот жамғармаси 8 минг АҚШ долларига тенг бўлган танлов шу йилнинг март ойида эълон қилинган эди. Биринчи босқичда 12 та лойиҳа саралаб олинган бўлса, куни кеча эълон қилинган иккинчи тур якунларига кўра, 7 та лойиҳа ҳакамлар томонидан юқори баҳоланиб, ғолиблар номи эълон қилинди.

Энг юқори натижаларни қайд этиб, 2 минг АҚШ доллари пул мукофотини қўлга киритганлар орасида Тошкент давлат аграр университети Нукус филиали 4-босқич талабаси Рустамжон Мадраимов ва унинг жамоаси ҳам бор. Улар танловда саксовул ўсимлиги уруғини экувчи инновацион ускунанинг синов нусхасини ишлаб чиқаришга қаратилган лойиҳаси билан иштирок этди.

“Forest builder” деб номланувчи ускуна кун сайин қуриб бораётган Орол денгизи атрофидаги ҳудудларда яшил ўрмонзорлар барпо этиш мақсадида экилаётган саксовул ўсимлиги уруғларини қўл меҳнатисиз, юқори аниқликда ерга қадашга мўлжалланган. Ускуна мини қуёш панеллари ёрдамида мутлақо ёнилғисиз ишлайди.

Танлов глобал иқлим ўзгаришларига бефарқ бўлмаган ана шундай ёшлар томонидан атроф-муҳит барқарорлигига ижобий таъсир этадиган, атмосфера ифлосланишининг салбий оқибатларини юмшатишга қаратилган инновацион лойиҳаларни қўллаб-қувватлашни мақсад қилган эди. Ҳакамлар ҳайъати аъзолари танловга тақдим этилган лойиҳаларни қўлланувчанлиги, амалийлиги, бошқалар томонидан такрорлашда қийинчилик туғдирмаслиги ҳамда ғоянинг ижодкорлигига кўра, саралади. Баҳолаш жараёнининг бир қисми ҳакамлар ҳайъати томонидан, қолган қисми эса ижтимоий тармоқларда очиқ овоз бериш йўли билан амалга оширилди.

Рустамжон Мадраимов танловнинг финал шартларига кўра, ўз лойиҳасини 5 дақиқа ичида онлайн видеолавҳа орқали намойиш этди ва кўпчиликни инновацион қурилманинг имкониятларига ишонтира олди. Ушбу лойиҳа асли Тўрткўлда туғилиб ўсган қаҳрамонимизнинг бошқа тенгдошлари қатори табиатни асраш, жумладан, Орол денгизининг бугунги ҳолати, ҳудуднинг экологик хавфсизлигини таъминлаш масалаларига бефарқ эмаслигини кўрсатди.

— Она денгизимизнинг қуриши инсоният тарихидаги энг йирик экологик фожиалардан биридир. Саҳрога айланган денгиз тубидаги тузлар, қум-чанг ва заҳарли ўғитлар инсонлар ҳаёти ва табиатга хавф солмоқда, — деди Рустамжон Мадраимов. — Ўзбекистон бу борада дунёда мисли кўрилмаган тажрибага қўл урди — денгиз ўрнидаги саҳро ўрмонга айлантирилмоқда. Орол қуриши оқибатларига қарши курашда тупроқдаги чанг-тузларни шамол учиришига тўсқинлик қила оладиган саксовул ўсимлиги энг муҳим восита сифатида танланди. Шу боис, ҳозир Орол денгизи ҳудудида ўрмонзорлар барпо этишда саксовул ўсимлигидан кенг фойдаланилмоқда. Аммо саксовул уруғини экишга мўлжалланган махсус ускуна ишлаб чиқилмагани сабабли қўл меҳнатидан фойдаланилаётгани боис, кўплаб қийинчиликлар юзага келмоқда. Биз таклиф этаётган ускуна эса ўсимлик уруғларини 90 фоиз аниқликда, мутлақо қўл меҳнатисиз экиш имконини беради.

Ҳақиқатан, инновацион ва тежамкор ускуна қайта тикланувчи энергияда ишлашга мўлжалланган бўлиб, ўзидан зарарли газлар тарқатмайди. Масофадан бошқарилувчи мазкур қурилмадан нафақат саксовул уруғларини экиш, балки полиз экинлари учун зарарли ҳашаротларга қарши курашиш, пахта қатор ораларини юмшатиш ҳамда экинларга турли ўғитлар сепишда ҳам самарали фойдаланиш мумкин. Бунда фақат ускунанинг махсус қисмларини ўзгартириш кифоя.

Айни вақтда “Forest builder” қурилмасининг икки хил намунавий нусхаси — тракторга тиркалган ҳолда ва қайта тикланувчи энергияда ишловчи турдагиси ишлаб чиқилган бўлиб, улар шўрланган қумли ҳудудларда синовдан ўтказилди. Ҳозир мазкур ускунага муаллифлик ҳуқуқини олиш учун Адлия вазирлиги ҳузуридаги Интеллектуал мулк агентлигига талабнома топширилган. Жамоа аъзолари ускунага муаллифлик ҳуқуқини олганларидан сўнг уни кенг миқёсда ишлаб чиқаришни режалаштирмоқда.

— Ҳар қандай лойиҳани амалга ошириш учун, биринчи навбатда, яхши жамоа шаклланган бўлиши лозим, — деди Рустамжон Мадраимов. — Менинг ана шундай жамоам борлигидан фахрланаман. Биз аслида ҳар бири ўз соҳасининг мутахассиси бўлган 25 кишидан иборат катта жамоамиз. Танлов шартларида фақат 5 киши кўрсатилиши айтилгани боис, барининг номларини кирита олмадим. Аммо биз доим биргаликда ҳаракат қилдик ва финал якунларини ҳам барчамиз катта ҳаяжон билан кутдик. Ғолиб бўлганимизни эшитганимизда эса қувончимиз ичимизга сиғмади. Биз ёшларни қўллаб-қувватлаш мақсадида ташкил этилган танловнинг барча ташкилотчиларига миннатдорлик билдирамиз.

Иқтидорли йигит-қизлардан иборат жамоанинг келгуси режалари бисёр. Улар ҳозир яна иккита муҳим лойиҳа устида изланишлар олиб бормоқда. Келажакда уларни амалга ошириш орқали табиатни асраш ва Оролбўйи иқлимини юмшатишда ўз ҳиссаларини қўшишни мақсад қилган.

Кун мавзуси

# “БИР ИЛТИМОС ҚИЛСАМ МАЙЛИМИ?..”

**Ҳазрат ЖАББОРОВ,**
Республика Маънавият ва маърифат марказининг миллий ғоя ва мафкура тадқиқотларини ташкил этиш бўлими бошлиғи



**Юртдошларимиз орасида коронавирус тарқалиши ва юқиши кучайиб бораётганининг сабаби оддий. Кундалик ҳаётимиздаги карантин қоидаларини биламиз, лекин онгли равишда амал қилмаймиз.**
**Кўчада ниқоб тақиб юриш, одамлар гавжум жойларга бормаслик, эҳтиёж юзасидан борилганда ҳам масофа сақлаш, антисептик воситалардан тез-тез фойдаланиб туриш, қўлни совунлаб ювиш каби оддий қоидаларга амал қилиш қийин эмас.**

Яна бир ҳақиқат шуки, одамлар ушбу вирусни енгишга ўзини дахлдор ҳисобламаслиги, яъни “бу вирус билан курашиш мени ишим эмас, у билан курашадиган мутасаддилар” қабилидаги лоқайдлигидир.

Демак, айрим фуқароларнинг жамоат жойларида карантин талабларини бузиши, ижтимоий масофа сақламаслик, ниқоб тақмаслик ёки нотўғри тақиш, тиббий-ҳуқуқий нигилизм, кибр ва бошқа иллатлар, атрофдагиларнинг уларга бефарқлиги коронавирус ёйилишига хизмат қилмоқда. Демак, карантин қоидабузарликларига нафақат ички ишлар, Миллий гвардия ходимлари, балки ҳар бир фуқаро қарши турса, вируснинг юқиш даражаси кескин камаяди.

Карантин қоидаларини бузаётган ватандошларимизни кўрганда, хушмуомалалик билан: “Бир илтимос қилсам майлими? Келинг, ниқобингизни тақиб олинг. Ижтимоий масофа сақлайлик. Бир-биримизни COVID-19 балосидан ҳимоя қилайлик”, деб уларга лоақал бир марта айта олмаётганлигимиз ҳам бунга сабаб.

Мазкур фикрларни илмий асослаш учун ҳудудларда уч даражали эксперимент ўтказилди. Унинг асосий мақсад ва вазифалари фуқароларни карантин қоидаларига онгли ёндашувга ўргатиш, одатлантириш ва масала юзасидан дахлдорлигини ошириш ҳамда жамоатчилик назоратини кучайтиришга қаратилди.

Экспериментнинг қизиқ жиҳати шунда бўлдики, ватандошларимизга хушмуомалалик билан тиббий ниқобини тақиш илтимос қилинса, зудлик билан тақяпти. Кейин “кечирасиз, қаерда ишлайсиз?” деб сўрайди. Бу ҳолат ватандош сифатида анчадан бери бир-биримизга ғамхўрлик қилмаганимиз, бир-биримизга нисбатан анча лоқайд, бепарво бўлиб қолганимизни кўрсатади.

Тажриба-синов жараёни масала юзасидан лоқайд, шу билан бирга, масъулиятли фуқаролар ҳам борлигини кўрсатди. Мазкур экспериментнинг яна бир ўзига хослиги — карантин қоидаларига амал қилиш юзасидан фуқароларнинг бир-бирига қайта-қайта мурожаат қилиши қоидабузарликни кескин камайтириб юборди.

Тажриба кўплаб одамларнинг карантин қоидаларига одатланмаганини кўрсатди. Ушбу ҳолатларни илмий асослаш учун эътиборингизга экспериментлардан олинган айрим мисолларни келтирамиз.

Жорий йилнинг 26 июль куни Чилонзор туманида ўтказилган экспериментларда кўча-кўйда карантин қоидаларига амал қилмай юрган фуқароларга: “Ассалому алайкум. Бир илтимос қилсам майлими? Келинг, ниқобингизни тақиб олинг. Ижтимоий масофани сақлайлик. Бир-биримизни COVID-19 балосидан ҳимоя қилайлик”, деган мурожаатга жавобан айрим юртдошларимиз “Ниқобим уйимда қолиб кетибди”, “Ниқоб сотиб олишга кетяпман”, “Нафасим қисиляпти, шу сабабли ниқоб тақмаяпман”, “Соғлиқ ўзимга керак, бу — шахсий ишим, сизга оғирлиги тушмасин”, “Коронавирус борми ўзи?!”, “Менга ақл ўргатма, болам қаторисан, сен билган нарсани мен ҳам биламан”, деди.

Ҳозирга қадар 61 фуқарода биринчи даражали эксперимент ўтказилди. Тажриба-синовлардан сўнг уларнинг 47 нафарида ижобий ўзгариш содир бўлди, яъни улар карантин қоидаларига онгли равишда риоя қила бошлади. 14 нафарига таъсир қилмади.

Биз 14 нафар фуқаро билан иккинчи даражали экспериментни ўтказдик. Фуқароларга карантин қоидалари билан боғлиқ ижобий ва салбий оқибатлар юзасидан профилактика ишларини ташкил қилдик. Шундан сўнг 9 фуқарода ижобий, 5 нафарида салбий кўрсаткичлар қайд қилинди.

Эксперимент таҳлиллари кўрсатмоқдаки, биз, ватандошлар бир-биримизга карантин қоидаларига риоя қилиш билан боғлиқ қоидаларни эслатиб турсак, қоидаларга амал қилиш бўйича атрофимиздагиларга намуна бўлсак, жамоатчилик назоратини кўрсатсак, ўз-ўзидан бу қоидаларга одатланишимиз, ўрганишимиз осон кечади. Оқибатда коронавирус инфекциясининг тарқалиш ва юқиш занжирини узишга эришишимиз мумкин. Зеро, азалдан халқимиз бир-бирини жамиятга зарарли ишлардан қайтариб, ўрнатилган тартиб-қоидаларга риоя қилишнинг жамоатчилик назорати, амалий маърифатини таъминлаб келишган. Халқимиз бошига қийин кунлар тушганда бирлашиб, енгиб келган. Буни “Халқ айтгани — ҳақ айтгани”, “Кўпдан қуён қутулмас”, “Халқдан ажралганнинг юзи қора бўлар”, “Эл сенга этса надомат, дунёда туролмассан саломат” каби халқ мақоллари ҳам тасдиқлайди.

Қонун устуворлиги

# КИБЕРФИРИБГАРдан эҳтиёт бўлинг!

**Амриддин АНОРБОЕВ,**
Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги юридик бўлими бош юрисконсульти

**Ҳозир глобал пандемия шароитида дунё давлатлари олдида турган муҳим муаммолардан бири мамлакат иқтисодиёти зарар кўришининг олдини олиш, аҳоли даромадларини сақлаб қолиш ва кўпайтириш чораларини кўриш ҳисобланади. Бироқ бу даврда пандемия соясида киберўғрилик ҳолати кўпаяётганини ҳам инкор этолмаймиз.**

Айни пайтда интернет хизматидан фойдаланувчилар сони юртимизда 22 миллиондан зиёд бўлиб, шундан 19 миллиони мобиль интернетдан фойдаланмоқда. Шу боис, фойдаланувчиларнинг киберҳужумга учрамаслигини ҳеч ким кафолатлай олмайди.

Ачинарлиси, киберўғрилик жинояти натижасида замонавий ўғрилар салмоғи ва ушбу турдаги жиноятларни содир этиш усуллари ҳам кўпаймоқда. Айниқса, кўп давлатларда бу каби жиноятларнинг олдини олиш бўйича етарлича ташкилий, ҳуқуқий, молиявий, иқтисодий, маънавий чоралар кўрилмагани мазкур йўналишдаги муносабатларни қайтадан кўриб чиқишни тақозо этмоқда.

Ушбу ҳолатлар юртимизда ҳам киберҳужумларга оид қонун ҳужжатларини такомиллаштириш зарурлигини кўрсатяпти.

Кибержиноятни содир этганлик учун дунё мамлакатларининг бир қисмида жавобгарлик белгиланган бўлса, бошқа қисмида ҳали ижтимоий муносабатлар ривожи бунга зарурат йўқлигини кўрсатмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 169-моддаси 3-қисми “в” бандида компьютер тизимига рухсатсиз кириб ўғрилик, яъни ўзганинг мол-мулкини яширин равишда талон-тарож қилганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланган.

Киберўғриларнинг ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо беришда киберҳужум қай тариқа амалга оширилганидан қатъи назар, ушбу жиноятлар давлатларнинг жиноят қонунчилигида оғирроқ жазони назарда тутувчи қисми билан квалификация қилиниши лозим.

Шу ўринда Жиноят-процессуал кодексининг 22-моддасига асосан, суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд жиноят юз берганини, унинг содир этилишида ким айбдорлигини, шунингдек, у билан боғлиқ барча ҳолатларни аниқлаши шарт. Иш бўйича исботланиши зарур бўлган барча ҳолатлар синчковлик билан, ҳар томонлама, тўла ва холисона текшириб чиқилиши керак. Ишда юзага келадиган ҳар қандай масалани ҳал қилишда айбланувчини ёки судланувчини ҳам фош қиладиган, ҳам оқлайдиган, шунингдек, унинг жавобгарлигини ҳам енгиллаштириб, ҳам оғирлаштирадиган ҳолатлар аниқланиши ва ҳисобга олиниши лозим.

Нафақат киберўғрилик, балки бошқа жиноятлар бўйича келиб чиққан зарарни аниқлаш тартиби ва уни ҳисоблаб чиқиш механизми амалдаги қонунчиликда белгиланмагани сабабли баъзи ҳолатларда судлар турли кибержиноятларни квалификация қилишда умумий зарар суммасидан келиб чиқади. Фикримизча, бу нотўғри. Мазкур ҳолатда ҳар бир жиноят натижасида келиб чиққан зарар алоҳида ҳисоб-китоб қилиниши ҳамда жиноятнинг такрорийлик белгисидан келиб чиқиб жазо тайинланиши лозим.

Тан олиш керакки, киберўғрилик билан боғлиқ жиноятларнинг кўпайишига қатор омиллар сабаб бўлмоқда. Жумладан, пандемия шароитида аҳолининг ахборот-коммуникация технологияларига бўлган зарурати кучаймоқда. Аҳолининг ўзи эҳтиётсизлик ёки киберфирибгарларнинг алдовига учиш оқибатида киберўғриларга қилмишини амалга ошириш учун шарт-шароит яратиб бермоқда.

Аҳоли ўз эҳтиёжини таъминлаш учун ҳам билиб-билмай киберҳужум қурбонига айланмоқда.

Мазкур муаммони бартараф қилиш учун олдин ҳамма ўзидан келиб чиқиб фикрлаши, хусусий мол-мулкини ҳимоя қила билиши,



давлат органларига асоссиз мурожаатларни камайтирган ҳолда бирламчи эҳтиёжлар учун зарур бўлган мурожаатларини юбориши, давлат хизматчиларининг пандемияни юмшатиш учун олиб бораётган ҳаракатларига хайрихоҳ бўлиши, улар томонидан берилаётган киберхавфсизликка оид тавсияларга риоя қилиши, интернет олами иқтисодиёт соҳасидаги киберўғриликни амалга ошириш учун энг қулай макон эканини унутмаслиги, ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш чораларини кўриши шарт.

Давлат эса киберхавфсизликни таъминлаш учун киберўғриларга қарши қаратилган ҳаракатларини жадаллаштириши, ташкилий, ҳуқуқий, иқтисодий, молиявий масалаларни қайта кўриб чиқиши ва киберхавфсизликни такомиллаштириш чораларини кўриб бориши мақсадга мувофиқ.

Назаримизда, киберўғрилик учун жиноий жавобгарликнинг қатъий белгилаб қўйилиши кибержиноятчининг ноқонуний хатти-ҳаракатлари учун жавобгарлик муқаррарлигини англаб, ўз қилмишидан ихтиёрий қайтишига сабаб бўлади. Ўзгаларнинг мол-мулкига нисбатан эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлишини таъминлайди. Хусусий мулкнинг дахлсизлиги таъминланмас экан, аҳолининг давлат органларига бўлган ишончи сусайиб бораверади. Халқимизда бир нақл бор: “Оладиган мол олтин бўлиб кўринар”. Киберўғри наздида олтин бўлиб кўринаётган хусусий мулкни ушбу жиноятчилардан ҳимоя қилиш учун барчамиз ҳамжиҳат ҳаракат қилишимиз, жиноят қонунчилиги такомиллаштирилиши даркор.

Тил — миллат ғурури

# ИСМИ ЖИСМИГА МОС... ёхуд “Гурунчмазар”ми ё “Гронч Майзер”?

**Норбўта БОБОХОЛОВ,**
“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ раиси маслаҳатчиси

**Бугун мамлакатимизда янги шаҳарчаю қишлоқлар, турар жой массивлари барпо этилмоқда. Уларни қуриш осон бўлмаганидек, ном бериш ҳам ўзига яраша масъулият талаб этади. Қолаверса, географик ном ва атамалар кундан-кун обод бўлаётган юртимиз жамолига, халқимиз турмуш тарзига, тарихий-миллий қадриятларимизга мос, илмий жиҳатдан асосланган бўлиши, бир-бирини такрорламайдиган янги номлар қўйилиши, қолаверса, берилаётган номнинг “Давлат тили ҳақида”ги Қонунга мос бўлишини таъминлаш муҳим масаладир.**

“Географик объектларнинг номлари тўғрисида”ги Қонунда ном географик объектга хос бўлган белгиларни, маҳаллий аҳоли турмушининг этник, тилга оид ва бошқа хусусиятларини акс эттириши лозимлиги белгилаб қўйилган. Географик объектларга ном беришдаги муносабатлар ушбу қонун билан тартибга солинади. “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамиятида соҳадаги географик объектларни номлаш ва қайта номлаш ана шу талаблардан келиб чиқиб амалга оширилмоқда.

Хусусан, темир йўл станциялари ва вокзаллари ҳамда бошқа географик объектлар номларининг илмий, тарихий, миллий, топонимик хусусиятлари тўлиқ ўрганиб чиқилмоқда.

Станцияларнинг аксарияти Дарбанд, Бойсун, Амузанг, Бухоро, Қоракўл, Олот каби тарихий топонимик атамалар билан номланган ёки халқимизга меҳнати сингган машҳур тарихий шахслар номи билан боғлиқ. Эътиборлиси, бу номлар ўша ҳудудда яшовчи аҳолига ҳам маъқул келади. Аммо шундай номлар ҳам мавжудки, унинг маъносини нафақат бугунги ёшлар, ҳатто кекса кишилар ҳам эслолмайди, эслаганлари ҳам тахминий маълумотларга таяниб нима сабабдан шундай аталишини изоҳлайди.

“Қўқон минтақавий темир йўл узели” унитар корхонаси тасарруфидаги станциялардан бири Фарғона водийси ҳудудида темир йўл мавжуд бўлганидан буён “Гурунчмазар” деб аталади.

“Гурунчмазар” станцияси 1907-1914 йилларда қурилган бўлиб, унга ном берилиши билан боғлиқ бирор маълумот топилмади. Фақатгина ўша ҳудудда яшайдиган кекса темирйўлчилар станция уни қурган Гронч Майзер деган немис темирйўлчиси номига қўйилганлигини айтишди. Аммо Ўрта Осиёга темир йўлнинг кириб келиши билан боғлиқ тарихий манбаларда бундай фамилия бирор марта учрамади. “Халқ ўз қаҳрамонларини билиши керак” деганларидек, станциянинг унинг номига қўйилиши тарихи чуқур ўрганиш талаб этиладиган масаладир.

Тизимдаги станциялардан яна бири “Сувонобод” деб юритилади. Бу ном Фарғона вилояти Бешариқ тумани Андархон қишлоғида жойлашган темир йўл станциясини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшган, 44 йил темир йўл тизимида, хусусан, шу станцияда ҳалол меҳнат қилган Сувонқул Қодиров шарафига қўйилган. Қаранг, биргина шу маълумотнинг ўзи ҳам қалбимизни ифтихорга тўлдиради. Юрт равнақи йўлида қилинган хизматнинг бундай эътирофи таҳсинга сазовор.

Шунингдек, бир қатор станциялар номини (“Киргили” — “Қиргули”, “Алтынкуль” — “Олтинкўл”, “Тахыркуль” — “Тоҳиркўл”, “Алатун” — “Олатўн”, “Негуз” — “Некўз” деб) ўзгартириш, аввал разъезд деб номланиб келинган кичик станцияларга ном бериш бўйича таклифлар ўрганилмоқда.

Албатта, уларга ном бериш ёки мавжудларини ўзгартириш миллий анъаналарига, географик объектнинг жойлашган ҳудудига, табиий, ижтимоий-иқтисодий хусусиятларига, ўша жойда яшовчи аҳолининг менталитетига мос, қонун талаблари асосида амалга оширилмоқда. Станция, вокзал ва бошқа турдаги объектлар номлари ўзбек тилида ёзилишининг асосий қоидаларига қатъий риоя этилмоқда.

Халқимизда “исми жисмига мос”, деган ибора бор. Шу маънода, юртимизнинг бугунги кунда янгича қиёфа касб этаётган шаҳару қишлоқлари, бино ва иншоотлари номлари уларнинг кўркига, чиройига мутаносиб, қолаверса, одамларда фахр ва ғурур туйғуларини уйғотадиган бўлиши лозим.

Зеро, бу номлар нафақат объектнинг расмий ҳужжати — паспорти вазифасини, балки мамлакатимиз тарихини, халқимизнинг фидойи фарзандлари номини ҳам даврдан даврга олиб ўтишдек эзгу вазифани бажаради.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН
МУАССИС:
**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси**

Бош муҳаррир: **Салим Дониёров**

“Янги Ўзбекистон” газетаси учун масъул:
бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари
**Бахтиёр Абдусатторов**

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “KOLORPAK” МЧЖ масъул.

Девонхона: (0-371) 233-70-98 Котибият: (0-371) 233-56-60 Эълонлар: (0-371) 233-57-15 E-mail: yuz-gazetasi@mail.ru

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
**Нашр индекси** — 236. **Буюртма** — 2124.
42596 нусхада босилди.
**Ҳажми** — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2.
Баҳоси келишилган нархда.

“KOLORPAK” МЧЖ босмахонаси. Корхона манзили:
Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Элбек кўчаси, 8-уй.
Босмахона телефони: (71) 230-27-76

Навбатчи муҳаррир: Лутфулла Сувонов
Мусаҳҳиҳ: Асолат Шербекова
Дизайнер: Зафар Бакиров

Манзилимиз:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

ЎзА якуни — 23:45 Топширилди — 00:55